

2018 БАХОР МАВСУМИ, 23-СОН

# SAIGA NEWS

Сайғоқни асраш бўйича альянс бюллетени



SAIGA CONSERVATION ALLIANCE

Экология ва сайғоқ мухофазаси масалалари бўйича ахборот  
алмашиш учун 6 тилда нашр қилинади



«Сайғоқ» расми, муаллиф Оконова Алтана, Троицкое қишлоғидаги чўл клубининг аъзоси, Қалмоғистон Республикаси

Кўмагида нашр  
этлади:



Кўшимча  
ёрдам:



# Сайғоқни асраш бўйича альянс

---

## Мундарижа

### Махсус мавзу

Джек Й. К. Лам Хитойда сайғоқ шохларининг онлайн-савдоси таҳлили

### Янгиликлар

Полина Орлински Марказий Осиё кўчиб юрувчи сут эмизувчиларининг муҳофазасини кучайтириш бўйича стратегик йиғилиш

Э. Дж. Милнер-Гулланд Москвада тутқунилиқда сайғоқларни кўпайтириш бўйича семинар бўлиб ўтди

Галина Калмыкова Россия, Астрахан обласи, «Степной» заказнигидан хабарлар

Надежда Пюрвенова ва Галина Калмыкова Сайғоқ элчилари

Наталья Шивалдова Чўлда туғилганлар

Айгуль Айтбаева «Сайғоқча йўли билан» янги чўл клуби

### Мақолалар

Владимир Калмыков Астрахан обlastinинг «Степной» заказниги – сайғоқ мониторинги учун модель участкаси

Е. Р. Байдавлетов ва бошқалар 2017 ж. Қозоғистонда 2017 й. сайғоқларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторинги

Ричард Кок ва бошқалар Сайғоқларнинг ялпи ўлими: Қозоғистон-британия илмий-тадқиқот экспедицияси томонидан ходисаларнинг ўрганилиши

Сара Робинсон Сайғоқларнинг ўлими, қўзилаш жойлари ва сайғоқлар истеъмол қиласиган ўсимликларнинг кимёвий таркиби: электрон шаклда олиш мумкин бўлган маълумотлар тўплами

Марина Холодова ва бошқалар Шимоли-Фарбий Каспий олди сайғоқ популяцияси сонининг сўнгги депрессияси вақтидаги генетик хилма-хиллиги: дастлаб натижалар

### Янги нашрлар

#### Сайғоқни асраш – ҳаётларининг иши

Наталья Шивалдова, Ўзбекистон

**Редакцион коллегия.** Буюк британия: проф. Э. Дж. Милнер-Гулланд [консультант-муҳаррир], Лондон Империал Колледжи ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: Ю. Грачев ва проф. А. Бекенов, Зоология институти ([teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)); Хитой: Гуйхон Джан Куйлонг таълим тренинг-маркази ([guihongzhang@foxmail.com](mailto:guihongzhang@foxmail.com)) ва проф. Чжиган Цзян ХХР ФА Зоология институти ([zhigangjiang@vip.sina.com](mailto:zhigangjiang@vip.sina.com)); Мўғалистон: Б. Лхагвасурен МФА Умумий ва экспериментал биология институти ([Ikhagvazeer@gmail.com](mailto:Ikhagvazeer@gmail.com)) ва Б. Чимеддорж WWF-Мўғалистон ([chimededorj@wwf.mn](mailto:chimededorj@wwf.mn)); Россия: А. Лушекина, РФА Экология ва эволюция муаммолари институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [масъул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)); Д. Адилова дизайнни ([4dinaa@gmail.com](mailto:4dinaa@gmail.com)).

Бу нашрни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> ада онлайн ёки расмий талабга кўра нашр этилган нусхасини муҳаррирлардан инглиз, қозок, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида олиш мумкин.

Сизни олти тилнинг исталганида материал юборишга таклиф этамиз. Илтимос, уларни [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) манзилга ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетең бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилларидағи муаллифлар учун қоидаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки расмий талабга кўра муҳаррирлардан олиш мумкин. Агар Сизда саволлар туғилса, марҳамат, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири билан ёқимасъул муҳаррир – Елена Бикова билан боғланинг ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)).

## Махсус мавзу

### Хитойда сайфоқ шохларининг онлайн-савдоси таҳлили

**Джек Й. К. Лам, Гонконг шаҳар университети, Гонконг, lam.jykl@gmail.com**

Кун сайин табиат маҳсулотларининг нолегал онлайн савдоси (ТОМНС-НТПП) табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига кўпроқ тўсқинлик қилмоқда. Бу масалада ўзининг муҳим ўрнини англаган ҳолда, интернет-хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган Baidu, Tencent ва Alibaba каби гигантлар, савдонинг ушбу турига фаол қаршилик кўрсатиш истагини билдирилар. Уларнинг сайтларида нолегал табиат товарлари тўғрисидаги ҳар қандай эълонлар ўчириб ташланади, ёввойи табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунни очиқ бузаётган интернет-бирлашмалар эса йўқотилади. Юқорида айтиб ўтилган платформа фойдаланувчиларидан маҳсус ўрнатилган инструментлар ёрдамида НТПП ҳолатлари ҳақида хабар бериш сўралади. Бироқ, кўрилган чораларга қарамасдан, ушбу платформаларда ҳам, қолган интернет-майдонда ҳам НТПП кенг тарқалмоқда.

Сайфоқ шохлари интернетда сотиладиган табаб энг катта бўлган табиат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Хитойда сайфоқ шохлари интернет-бозорнинг иккита ҳар хил сегментларида мавжуд: анъанавий хитой тиббиёти (АХТ-ТКМ) ва анъанавий хитой эсадалик совғалари Wenwan. Шундай қилиб, сайфоқ шохлари соф кўринишида мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш осон бўлган маҳсулотлардан ташқари, шохлар аниқлаб бўлмас даражада модификацияланган компонентларнинг бири бўлган кўплаб товарлар мавжуд. Мисол учун, интернетда, сайфоқ шохлари мавжуд бўлган камидан еттита истеъмолга тайёр АХТ товар турларини топиш мумкин (1-жадвал). Шунингдек Wenwan эсадалик совғалари орасида ҳам аниқлаб бўлмас даражада ўзгартирилган сайфоқ шохларидан ясалган, чой тайёрлаш учун мослама, заргарлик буюмлари ва бошқалар каби предметлар мавжуд (1-сурат). Интернетда топиш осон бўлган сайфоқ шохларидан ясалган товарларнинг катта ассортименти уларнинг асос қилиб олинадиган материал сифатида машхурлигини оширмоқда.

Хитойда шунингдек сайфоқ шохларига асосланган тибиёт препаратларининг легал савдоси ҳам мавжуд. АХТ маҳсулотини ишлаб чиқарувчи кўплаб фармацевтик ком-

паниялар, Хитойнинг табиат ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунига ва марказлаш тизимига мувофиқ бундай товарларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун лицензияларга эга. Фақат Taobao сайтининг ўзида (Amazon хитой аналоги) сайфоқ шохлари асосида тайёрланган, нархи 1 г. учун 131,7 юан (20,70 АҚШ доллари атрофида) лицензияланган кукуннинг 8 турини топиш мумкин. Лицензияланган товарлар, табиий компонентлар аниқ кўрсатилиши керак бўлган маҳсус ёрликлар бўлишини тахмин қилишига қармасдан (2-сурат), табиий материал олинишининг қонунийлигини аниқлаш имкони мавжуд эмаслиги легал бозорга нолегал товарлар тушишини осонлаштиради.

**1-жадвал. Таркибида сайфоқ шохлари ўзгартирилган кўринишида бўлган кўплаб АХТ товар турлари мавжуд. Ҳозирги пайтгача вебсайтларда шу тоифадаги товарларнинг еттита тури рўйхатга олинган.**

| Товарнинг хитой тилидаги таърифи | Товар                            |
|----------------------------------|----------------------------------|
| 口服液                              | Тетиклаштирувчи/шифобахш эликсир |
| 注射液                              | Инъекция учун эритма             |
| 滴丸                               | Таблеткалар                      |
| 胶囊                               | Капсулалар                       |
| 颗粒                               | Гранулалар                       |
| 粉                                | Кукун                            |
| 棒                                | Таёқчалар                        |

Сайфоқ шохларидан тайёрланган нолегал маҳсулотлар тўғрисидаги интернет-эълонларда, манфаатдор шахсларга ушбу товар тури тўғрисида маълумот олишга ёрдам берадиган ҳамда сотувчи ва харидорлар алоқага чиқиши мумкин бўлган платформалар тақдим этадиган код сўзлардан фойдаланилади. Ҳозирги пайтгача сайфоқ ва шохларини белгилаш учун ишлатиладиган 14 код сўзлар аниқ рўйхатга олинган. Ўн тўртта омоним-сўзларнинг тўққизтаси сайфоқнинг хитой тилидаги кенг

### Махсус мавзу (давоми)

тарқалган номида мавжуд бўлган биринчи иккита белгига асосланиши ҳисобга олинса, код сўзларнинг умумий сони кўпроқ бўлиши мумкин. НТПП билан шугулланувчи сайтларнинг номлари асосий маҳсулот номларига асосланиши туфайли, код сўзлар сотувчи ва харидорлар учун яхши бошпана таъминлади. 2015 й. Baidu форумида, асосий маҳаллий қидирав тизимларининг бирида номлари сайғоқ билан боғлиқ бўлган иккита груп ёпилди. Шунга қарамасдан, уларнинг айримларида 25 000 дан ортиқ одамлар рўйхатга олинган, кодли номлар остидаги яна тўққизта фаол груп қолмоқда. Код сўзларнинг фаол ишлатилиши, иштирокчилар фао-

лиятларининг ноқонуний характерини жуда яхши билишларини билдиради, бу сўзларнинг интернетда кенг тарқалиши эса сотувчи ва харидорларнинг мунтазам ортиб бораётган сонидан далолат беради.

Сайғоқ ареалининг барча мамлакатларидан, интернет-дилерларнинг маълумотларига кўра кўпинча Россия бу ҳайвон шохлари етказиб берувчиси сифатида чиқади. Савдогарлар етказиб берувчи сифатида реал товар манбаларини эмас, асосан экспортер-мамлакатларни кўрсатишига қарамасдан, бу маълумотлар кўпинча нотўғри бўлиб чиқади, шунга қарамасдан, сайғоқ шохлари билан параллел



1-сурат. Сайғоқ шохлари янада кўпроқ анъанавий Wenwan хитой эсдалик совғаларини тайёрлашда ишлатилмоқда. Улар орасида (соат миллари бўйлаб, юқори марказий тасвирдан бошлаб) чой учун чўмич, чой пичоги, катта бармоқ учун узук, мундшуклар, мунчоқлар ва туморлар. Улар ҳар хил етказиб берувчилар томонидан реклама қилинишига қарамасдан, барча товарларда қизил доғлар мавжуд. Савдо терминологиясида бу «қонли материал» деб номланиб, деярли кам учрайди ва юқори баҳоланади. [Baidu.com](http://Baidu.com), Джек Й. К. Лам сурати

## Махсус мавзу (давоми)

сотиладиган, бошқа табиат маҳсулотлари, шунингдек савдогарлар тақдим этадиган фотоматериаллар бу фикр тўғрилигини тасдиқлайди. Жуда бўлмаса, Россия сайғоқ шохлари сотиш билан шуғулланувчи нолегал савдо тармоғининг муҳим иштирокчиларидан бири ҳисобланади.

АХТ препаратлари бозорида ҳам, Wenwan анъанавий хитой эсдалик совғалари бозорида ҳам сайғоқ шохларининг сифати бир қатор белгилар бўйича аниқланади. мисол учун, иккала бозорда ҳам янги шохлар қимматроқ бўлади, чунки вақт ўтиши билан улар ранг сизланиб, мўрт бўлиб қолади. Яқиндан бери қизил қон капиллярлари бўлган сайғоқ шохларига талаб кўпаймоқда. Ёрқин қизил тус мавжудлиги маҳсулотнинг янгилигидан далолат беради, шунингдек шохларни чиройлироқ қиласидиган ноёб хусусият ҳисобланади. Товарнинг ушбу градацияси нархларни оширишга имкон беради. Чунки шохларнинг қизғишироқ тузи ёш зотларга хос, бозорда катта бўлмаган ўлчамдаги шохларни реклама қилувчи эълонлар кўпроқ пайдо бўлди (3-сурат).

Хитойда сайғоқ шохларининг нолегал савдоси мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун жиддий муаммо туғдиради. Урумчи шаҳрининг божхона хизмати маълумотларига кўра 2012 й. бошидан 2014 й. ўр-



3-сурат. Ёш сайғоқларнинг шохлари кўп ҳолларда афзal кўрилмоқда. Айрим савдогарлар, бунда интернетда фақат кичик ўлчамдаги шохларнинг суратларини жойлаган ҳолда, уларни йирик шохлардан алоҳида сотишмоқда. [Baidu.com](#), Джек Й. К. Лам сурати

тасигача Хитойнинг, сайғоқ ареали мамлакатлари билан чегарадош учта провинцияларидан бири бўлган, Синьцзян провинцияси чеграсида бу ҳайвоннинг 14 900 шохлари олиб қўйилди. Асосий оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, бундан сўнг яна 5 608 шох мусодара қилинган. Шунингдек 2015 й. бир нечта провинциянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан биргаликда операция ўтказилиб, унинг натижасида 1 502,5 кг сайғоқ шохлари олиб қўйилди – шу пайтгacha энг катта бўлган партия.

Кибермакон талаб ортишига шароит яратяпти ҳамда турли ниқоблар остида ва легал фармасият кўриниши остида нолегал савдо ривожланишига имкониятлар тақдим этяпти. Сайғоқ шохлари савдоси кўп қиррали ва жўшқин, интернет провайдерларда эса НТППП билан самарали курашиб учун ресурслар ва билимлар етарли эмас. Шунинг учун атроф муҳит муҳофазаси бўйича мутахассислар интернетда нолегал фармасиятни кузатиб боришни давом эттиришлари, шунингдек бунга тегишли манфаатдор шахсларни жалб қилиб, унга қарши курашиб учун қулай шароитлар яратишлари зарур.



2-сурат. Интернетда сайғоқ шохларини қонуний йўл билан ҳам сотиб олиш мумкин. Ушбу фармацевтик компания ўзининг сайғоқ шохларидан тайёрланган ўз бренд кукунининг легитимлигини алоҳида таъкидламоқда. CNWM расмий ном, анъанавий хитой тиббиётидаги сайғоқ шохларини билдирувчи *Cornusaigaetataricae* сўз ёнида ёзилган. [Baidu.com](#), Джек Й. К. Лам сурати

### Янгиликлар

#### Осиё кўчиб юрувчи сут эмизувчиларининг муҳофазасини кучайтириш бўйича стратегик йиғилиши

Полина Орлински, CMS Котибияти, [polina.orlinskiy@cms.int](mailto:polina.orlinskiy@cms.int)

**Ўтган йилларда Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвон турларини асраш бўйича Конвенция(CMS) Марказий Осиё сут эмизувчиларини асраш бўйича ташаббус (САМІ) ва уни амалга ошириш бўйича ҳамкорлар ёрдамида ареал мамлакатларига ҳайвонлар кўчиб юришига халақит берадиган тўсиқларни бартараф этишда кўмаклашиш бўйича жиддий ишни амалга оширди. Тўсиқлар, автомобил трассалар ва темир йўллар, табиатдаги мавсумий ўзгаришларга кўра сув ва озуқа қидириб кўчиб юрадиган сайфоқ, мўғул дзерени, қулон, тоғ қўйи ва бошқалар каби, ҳайвон турларининг кўчиб юриш йўлида жиддий тўсиқ бўлади. Бу кўчишлар ушбу турларнинг ҳаётида принципиал рол ўйнайди. 2014 йилдан бошлаб хавфлар тўғрисида хабардорликни ошириш ва улар билан курашиш йўлларини излаш САМІ ишидаги асосий йўналишлардан бири бўлиб қолди.**

CAMI ташаббуси CMS доирасида Марказий Осиё ҳудудида атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун ташкил этилган. Ташаббуснинг иш дастури сут эмизувчиларнинг 15 турини, хусусан, илвирс, Марко Поло тоғ такаси, қулон, ёввойи түя, Пржевальский оти, ноёб сайфоқ антилопаси ва бошқаларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмuinи ўз ичига олади. Ташаббус конвенция томонлари билан 2014 й. 11-чи томонлар Конференциясида маъқулланган.

2018 й. 16-19 апрелда немис Вильм оролидаги Табиат муҳофазаси ҳалқаро академиясида ареал мамлакатларининг вакиллари, турларни асраш бўйича олим ва мутахассислар учрашувини ўtkазиб, унда CMSCAMI ташаббуси доирасида иштирокчилар ишлар ҳолатини таҳлил қилдилар ҳамда муаммолар ва кейинги ҳаракатлар режасини муҳокама қилдилар. Германия Атроф муҳит, табиат муҳофазаси, қурилиш ва ядервий хавфсизлик Федерал вазирлигининг (BfU) бебаҳо кўмагида учрашув уюштиришга имкон бўлди; тадбир CMS Котибияти томонидан Германия Атроф муҳит муҳофазаси Федерал агентлиги (BfN) билан ҳамкорликда ташки қилинди.

Хиндистон, Эрон Ислом Республикаси, Қозогистон, Қирғизистон, Мўғалистон ва Ўзбекистон вакиллари ҳайвонларнинг кўчиш йўлларидағи тўсиқларни бартараф этиш, браконьерликка қарши курашиш, қўриқланадиган табиат ҳудудларини яратиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш учун нималар амалга оширилгани тўғрисида сўзлаб берди. Бундан ташқари, Хитой, Россия, Туркманистонлик олимлар ўз мамлакатларидаги САМІ

турларининг табиат муҳофазаси мақоми тўғрисида, шунингдек уларнинг муҳофазаси бўйича юқорида келтирилган давлат ҳукуматлари томонидан кўрилаётган чоралар ҳақида ҳикоя қилишди.

Сайфоқ Ташаббус доирасидаги асосий тур ҳисобланади, ва унинг фаолияти кўпроқ тўғридан тўғри ёки билвосита айнан шу ҳайвонни асрашга қаратилган. Семинар иштирокчилари, бир овоздан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти яхши натижা бериши учун мамлакатлар янада кучлироқ бирлашиши керак деган хulosага келдилар, шунингдек бунда Кўчиб юрувчи турларни асраш бўйича конвенция катта роль ўйнашини тасдиқладилар. Яқин келажакда асосий эътиборни давлат чегаралари бўйлаб тўсиқлар таъсирини, браконьерлик даражасини ўрганишга ва чегара олди ҳудудларда илмий тадқиқотларга қаратиш зарур бўлади.



Йиғилиш иштирокчилари. Германиянинг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Федерал агентлиги сурати

## Яңгиликлар (давоми)

Ташаббус иш дастурида Устюрт платосида сайғоқни асраш бўйича ҳукumatлараро ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган биргаликдаги қадамлар алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

“CMS кучли томонларидан бири кўчиб юрувучи сут эмизувчи популяциялар ҳимоясида муҳим омил ҳисобланган, давлатлар ўртасидаги биргаликдаги ҳаракатни таъминлашга қодирлигидир. Табиат манфаати учун бутун худуд бўйича давлатлараро ҳамкорликни

ривожлантириш САМІнинг яқин йиллар учун муҳим вазифаси ҳисобланади”, – деди CMS ижрочи котиби Брэдни Чэмберс.

Учрашув иштирокчилари Ташаббус иш дастурининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этди, САМІ турларининг табиат муҳофазаси мақомини аниқлаштириб, CMS томонларининг 13-чи Конференциясигача давр учун биргаликдаги ҳаракатлар режасини белгилади.

## Москвада тутқунликда сайғоқларни кўпайтириш бўйича семинар бўлиб ўтди

**Э. Дж. Милнер-Гулланд, Сайғоқни асраш бўйича альянс, [ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk)**

2017 й. 28-29 августда РФА Экология ва эволюция муаммолари институти, Сан-Диего ҳайвонот боғи ва Сайғоқни асраш бўйича альянс ташаббусига кўра билим алмашиш ва сайғоқ турини асраш учун зарур бўлган, тутқунликда сайғоқларни кўпайтириш бўйича ихтисослашган марказларни ривожлантириш бўйича стратегик режа ишлаб чиқишга бағишланган икки кунлик семинар ташкил қилинди.

Семинарда сайғоқ ареали мамлакатлари – Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Хитой ва Мўғулистан вакиллари иштирок этди. Шунингдек учрашувда Россия Федерациясининг Табиат ресурслари ва экология вазирлигидан расмий шахслар, Европа ва Америка ҳайвонот боғининг ходимлари, Халқаро ҳайвонлар ҳимояси фонди (IFAW), Табиатни асраш жамияти (WCS) ва Бутун жаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) каби, бир қатор халқаро табиат муҳофазаси ИИЧБ вакиллари қатнашди.

Сайғоқ йўқ бўлиш чегарасида турган, табиий муҳитда браконьерлик, вақти-вақти билан эпидемиялар авж олиши ва ҳайвонларнинг кўчиш йўлларида чизиқли инфратузилма ривожланиши сабабли кучли прессингни бошдан кечираётган тур сифатида МСОП рўйхатига киритилган. 2010 йилдан бошлаб ер юзида мавжуд бўлган сайғоқ популяцияларининг бешта туридан ҳар бири, санаб ўтилган хавфлардан камида бир марта жиддий азият чеккан. Семинар иштирокчилари тутқунликда сайғоқларни кўпайтириш бу хавфларни қанчалик камайтириши мумкинлигини, шунингдек тутқунликда катта

қилинган ҳайвонлар қандай шароитларда табиий популяцияларни тўлдириши ва мустаҳкамлаши мумкинлигини муҳокама қилдилар. Тутқунликдаги ҳайвонларнинг генетик таркиби ва жисмоний ҳолатини яхшилаш аҳамияти, уларнинг ўзини тутишини тўғрилаш, энг қулай яшаш шароитларини яратиш, шунингдек тутқунликда кўпайтириладиган популяцияларнинг илмий, таълим ва маърифатчилик фаолиятидаги ўрни каби масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Натижада иштирокчилар, унинг доирасида семинар пайтида бошланган самарали фикр ва тажриба алмашиш давом этадиган сунъий шароитда ҳайвонларни кўпайтириш бўйича халқаро мутахассислар гурӯҳини яратиш зарурлигини маъқулладилар. Гурӯҳга қўшилишни хоҳловчилар Джефф Холландга (JeffHolland) [j.holland@cctu.biz](mailto:j.holland@cctu.biz). манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин. Конференция тўғрисида ҳисобот ва бошқа материалларни <http://saiga-conservation.org/wp-content/uploads/2017/09/CBW-meeting-report.pdf> да топиш мумкин.



Сайғоқни кўпайтириш бўйича семинар иштирокчилари.  
Александр Есипов сурати

### Яңгиликлар (давоми)

#### Россия, Астрахан область, «Степной» заказникидан хабарлар

Галина Калмыкова, Степной заказники, [galina.kalmykova.77@mail.ru](mailto:galina.kalmykova.77@mail.ru)

*Saiga News* бир неча бор у ҳақида ёзган, Россия европа қисмнинг жанубида жойлашган «Степной» заказниги, айнан, асосий компоненти сайғоқ бўлган, инспекторлар кучи билан ноёб табиий қовулли чўл мажмуалари сақланадиган жойдир. 2002 йилдан буён Заказник, ўзининг таълим дастурлари билан ҳам машхур бўлган ва уларда мана 20 йилдан ортиқ вақт давомида ҳар хил ёш ва касбдаги миллионлаб инсонлар ҳайвонларни асрашни ўрганиб келаётган, сайёрадаги энг йирик ноҳукумат экологик ҳайрия ташкилотларидан бири – IFAW Халқаро ҳайвонлар ҳимояси фонди билан фаол ҳамкорлик қиласи. Айнан шундай ҳамкорлик ва билим тарқатишдаги бой тажриба Фондни Рус география жамияти, «Степной» заказниги ва Астрахан давлат биосфера қўриқхонасининг иштироки ва кўмагида 2018 й. 21-22 апрелда Астрахан обла-

стининг Лиман поселкасида «Сайғоқ – реликт антилопа» таълим семинарини ўтказишга уннади. IFAWning бу тадбирда қатнашиш таклифига Қалмоғистон Республикаси ва Астрахан обlastининг аҳоли яшайдиган пунктларидан 50га яқин ўқитувчилар, услубиятчилар, тури муассасаларнинг экологик билим бериш бўлимлари ходимлари жавоб берди. Семинарда шунингдек Лиман райони маъмуриятининг вакиллари, Астрахан обlastининг Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати ва, Россиядаги табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини қўллаб-кувватлаши билан жуда машхур бўлган «ЛАШ Раша» косметика компанияси вакиллари қатнашди. IFAWning таълим дастурлари, ва биринчи навбатда сайғоқقا доир дастурлари тўғрисида, шунингдек илмий тадқиқот, ижодий ва табиатни муҳофаза қилиш дастурлари



Боласини эмизаётган она сайғоқ. Геннадий Юсин сурати

## Яңгиликлар (давоми)

түғрисидаги ҳамда ёшларга экологик тарбия бериш бүйича акциялар, худуднинг таълим муассасаларида ўтказиладиган ўйинлар, танловлар түғрисидаги; Қалмогистон Республикаси худудида Чўл клубларини ташкил қилиш тажрибаси түғрисидаги; Астрахан обlastидаги ўкувчиларнинг «Эколог», «Ёш эколог» ва бошқ. каби ижодий уюшмалари иши түғрисидаги хабарлар семинар иштирокчилари томонидан катта эътибор билан қабул қилинди. Бироқ ҳеч қандай презентация, Заказникка экскурсияга боргандা семинар иштирокчилари ўз кўзлари билан кўрганларларининг ўрнини боса олмади. Бу очилаётган «қизил китоб» лолари ва бошқа наврўзгуллар гилами, келажак авлодни дунёга келтириш учун инларига (шу жумладан Заказник ходимлари томонидан маҳсус ясалган сунъий инларга) жойлашишга шошаётган қушлар, бироқ асосийси – хотиржам ўтлаётган ёки юриб кетаётган машина олдидан осонгина йўлни ўтаётган сайфоқлар. Заказник кордони яқинида жойлашган 15 метрли кузатиш вишласидан очилган чексиз чўл кенгликларининг кўриниши эса меҳмонларни ҳайратда қолдирди. Семинар иштирокчиларнинг билим бериш ишлари бүйича тажриба алмашиб учун ВКонтактеда ва WhatsApp мессенжерида майдонча яратиш, шунингдек – мунтазам равишда халқаро Сайфоқ Кунини нишонлаш мухимлиги түғрисидаги бир овоздан қабул қилинган қарори билан якунланди (қуидида қар.).

10 кундан сўнг, Россияда кетма-кет байрам кунлари бошланганида, «Степной» заказниги ходимлари бу ажойиб алоҳида кўриклиданадиган табиат худудида усиз ҳам қатъий муҳофазани янада кучайтирадилар. Айнан шу май кунларида сайфоқ ҳаётидаги энг мухим воқея бошланиши – сайфоқчалар туғилиши кутилади. Худудни айланиб, визуал кузатув ўтказилаётганда 2018 йил 2 майда, ўзини ҳавотирли тутаётган, оёққа туриб сўнг тўсатдан ўтга ётиб, бошини баланд кўтараётган бир нечта урғочи сайфоқлар кузатилди. Яқинроқ келганда Заказник ходимлари иккита сайфоқчани – бошларини бир-бирига қилиб ётган, ҳали мутлақо хўл ва ниҳоятда таъсирли “эгизак – қизларни” кўришди. «Степной» заказниги худудида дунёга келган бу энг биринчи сайфоқчалар, об-ҳаво яхшилигини ҳисобга олганда, бир неча кундан кейин бошланиши керак бўлган ялпи қўзилаш да-



Владимир Калмиков (чапда) ҳамкаси билан «Степной» заказнигида билим берувчи семинар вақтида.  
Ольга Есипова сурати

ракчилари бўлди. Бироқ унга қадар Заказник ходимлари «сайфоқ қўзилаш зонасининг» периметри бўйлаб ахборотли белгилар – сайфоқлар қўзилаётганлиги сабабли ҳудуддан ўтиш йўли ёпилишидан хабар берадиган, узоқдан кўринадиган ёрқин-кўк ёрлиқлар ўрнатишлари керак эди. Шунингдек, кучли ва ҳамма нарсани қуритувчи шамоллар эсадиган бу баҳор мавсумида деярли тез-тез бўлиб турадиган ёнғинларнинг олдини олиш учун ҳудудни қуруқ ўтлардан тозалаб, ҳайдаб чиқиш керак. 2017 й. декабр – 2018 й. январда ўтган сайфоқлар куйикиши, Заказник ходимларининг кузатишича муваффақиятли бўлганини ҳисобга олиб, ҳеч қандай куч (инсон кучи ёки табиат кучи) ёш авлод туғилиш жараёнига аралаша олмайди, ва Шимоли-Фарбий Каспий олди сайфоқ популяциясининг сони кўпая бошлайди деб умид қилишга барча асослар мавжуд.

### Яңгиликлар (давоми)

#### Сайғоқ элчилари

Пюрвенова Н.Ю.<sup>1</sup>, Калмыкова Г.А.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Сайғоқни асраш бүйича альянс, [arylova@gmail.com](mailto:arylova@gmail.com); <sup>2</sup> Астрахан обlastininng «Степной» заказники, [galina.kalmykova.77@mail.ru](mailto:galina.kalmykova.77@mail.ru)

2018 йилда Сайғоқни асраш бүйича альянс, ареал мамлакатларининг деярли барчасида ташкил этилган биринчи Чўл клубларига асос солинган куннинг ўн йиллигини нишонлайди. Шу сабабдан биз бундай дастур кейинчалик ҳам ривож топадимиш йўқми кўришга қарор қилдик. Альянснинг ўз иши ҳақида ҳам, Чўл клубларининг фаолияти ҳақида ҳам, ва «Сайғоқ куни» қандай нишонланиши ҳақида кенг жамоага кўпроқ айтиб бериш учун Альянс раҳбарияти «Сайғоқ элчилари» номли дастурни бошлашга қарор қилди. Бунда, айнан «Сайғоқ куни»нинг нишонланиши сайғоқ ареали мамлакатларидағи, турли ёшдаги кўпроқ одамларни турни асраш муаммоларига жалб қилишга имкон берадиган энг ёрқин ходисалардан бири эканлиги таъкидланди.

«Сайғоқ элчилари» дастурини синааб кўришни Россияга, аникроғи, энг биринчи Чўл клублари ташкил қилиниб, мана кўп йиллардан буён мунтазам равишда «Сайғоқ куни» нишонланадиган, Қалмоғистон Республикасига ташрифдан бошлашга қарор қилинди. «Сайғоқ элчилари» делегацияси Юрий Арилов ва Айгуль Айтбаева билан биргаликда Целинний районида жойлашган Г.К. Жуков номли Троицкий ўрта мактабига ташриф буюриб, «Сайғоқ йўли билан» чўл клуби аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Болалар намойиш этган кичик, бироқ мазмунли, ундаги ҳар бир чиқиш сайғоқ ва унинг ҳаётига бағишлиланган, концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Махсус ташкил этилган чўл клуби аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмасида «Сайғоқ – чўл ўлкасининг реликти» мавзусида кашталар, аппликациялар, расмлар ва ҳақиқий бўёқ билан чизилган расмлар намойиш этилди. Бу ташриф Чўл клубининг кейинги иш режаларини, турли табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва Қалмоғистон давлат университети билан ҳамкорликни ривожлантиришни муҳокама

қилиш билан якунланди. Ҳайрлашаётганда болалар меҳмонларга ўз қўллари билан ясалган Қалмоғистон табиати рамзларини тасвирлайдиган эсдалил совғаларни тақдим этишиди.

Хомийларни жалб қилишнинг энг яхши йўли – бу уларга сайғоқни табиий шароитда кўрсатишидир. Альянс қадимдан ва яқин алоқа ўрнатган, унинг ҳудудида сайғоқлар тинч ва хотиржам яшайдиган, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб хилма-хиллиги ажойиб жамоа билан сутка давомида қўриқланадиган «Степной» Заказники, энг яхши АҚТҲдан бири, ташриф учун танланди. Бироқ заказникка ташриф пайтида ҳалқаро экспертлар гуруҳи, вақти-вақти билан қумли бўронга айланган, кучли шамолга дуч келиб, бу меҳмонларга очилаётган “қизил китоб” лолари ва бошқа на врўзгуллар гиламининг гўзаллигидан баҳра олишга; полопонларини дунёга келтириш учун инларига жойлашаётган қушларни яхшироқ кўришга, энг муҳими бу чўл ғираширасида сайғоқларни кўра олишга имкон бермади. Фақатгина муҳофаза ходимлари-



Сайғоқ элчилари «Сайғоқ йўли билан» чўл клубининг аъзолари ва сардорлари билан Троицкое қишлоғида.  
Ольга Есипова сурати

## Янгиликлар (давоми)

нинг ҳикоялари кордонга қайтаётганда бу гўзал манзарани тўлдира олди. Кордонга келиб, меҳмонлар оддий, бироқ ишлаш ва дам олиш учун жуда қулай ва шинам вагончаларни кўрди. Узоқ йўл чарчогига қарамасдан, кечки овқат пайтининг ўзидаёқ меҳмонлар Заказник ходимлари ни саволларга кўмид ташлаши: Ҳудудда қандай муҳофаза тартиби мавжуд? АҚТҲ қандай молиялаштирилади? Заказник ҳар хил табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласадими? «Степной» ҳудудида бутун йил давомида сайфоқни учратиш мумкинми? Маҳаллий аҳоли билан ўзаро муносабатлар қандай? Таълим бериш дастурлари ўтказиладими? Барча бери-лган саволларга тўлиқ жавоблар берилди. Эртасига эрталаб ҳам босилмаган кучли шамолга қарамасдан, меҳмонлар Заказникнинг, ходимлар уларни экспурсия билан олиб борган энг узоқ бурчакларини кўришига мусассар бўлиб, чанг-тўзонда бўлса ҳам сайфоқ шарпаларини кўриши. Артезианларнинг бири ёнида курилган маҳсус «яширин жой» ойнасидан ўйнаётган ва ўтлаётган ҳайвонларни яхшироқ кўриш мумкин бўлди, 15 метрли кузатиш вишкасидан очи-лган манзара эса меҳмонларни ҳайратда қолдириди – чегарасини кўз илғамайдиган чўл кенгликлари. Заказникка экспурсия билан ташриф буюрган Промисла ва Ли-ман мактабларининг ўқувчилари мулоқотни янада қувончга тўлдириди. Сайфоққа, Заказник ходимларининг оғир, бироқ жуда муҳим ишига бағишлиган ёрқин презентацияли кичик лекциядан сўнг Заказник ҳудудида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий операторлар томонидан суратга олинган фильмлар на-мойиш этилди.

Заказниandan кетаётганда, ўзбекистонликлар томонидан кутилаётган меҳмонлар, ташриф жуда қисқа, шамол эса кучли бўлганидан афсусландилар, бироқ «Степной» билан ҳамкорлик давом этишига ишонч билдирилар. Шунингдек хорижий меҳмонлар «Сайфоқ куни»нинг нишонланиши барча сайфоқ ареали мамлакатларидаги энг ёрқин ходисалардан бирига айланиши кераклигини таъкидлашди. Бундай фикр «Сайфоқ – реликт антилопа» таълим семи-



Сайфоқ элчилари «Сайфоқ йўли билан» чўл клубининг аъзолари ва сардорлари билан «Степной» заказниига ташрифи вақтида. Ольга Есипова сурати

нарининг иштирокчилари томонидан қабул қилинган қарор билан (юқор. қар.) мос тушиб, байрам тадбирларига старт берилди. Шундай қилиб, 2018 йил 29 апрелда

Г.Б. Мергульчиев номли Адик ўрта мактабида «Сайфоқ куни»га бағишлиланган тадбир бўлиб, унда Черноземельск районининг тўққизта мактабидан болалар ва ўқитувчилар, шунингдек чўл клубларининг раҳбарлари иштирок этди. Бу куннинг асосий тадбири «Сайфоқ – реликт антилопа» эко-квест бўлиб, унда ўқувчилар жамоалари ижодий ва ўйин шаклида сайфоқ биологиясининг ўзига хослигини ва уни муҳофаза қилиш йўлларини намойиш этди. Эко-квест станциялари Адик поселкаси ҳудудидаги аҳамиятга эга маданий жойларда жойлашиб, шу аҳоли пунктида яшайдиганлар унинг томошаларини кузата олди. Келажакда «Сайфоқ куни»ни нишонлаш ҳудуднинг янгидан янги районларини қамраб олишига ва одамлар онгига таъсир кўрсатиб, сайфоқни асрашга қодир аҳамиятли ходиса бўлиб қолишига ишонч бор.

## Сайгоқни асраш бўйича альянс

### Янгиликлар (давоми)

#### Чўлда туғилганлар

Наталья Шивалдова, «Экомактаб» Эко-ресурс Маркази, [nshivaldova@mail.ru](mailto:nshivaldova@mail.ru)

**«Сайгоқ куни» Ўзбекистоннинг Қорақалпоқ чўлларида май ойининг биринчи саналарида нишонланади, чунки шу кунларда сайгоқчалар дунёга келади.**

Барча «Сайгоқ куни» тадбирларининг асосий мақсади – ушбу тур тўғрисидаги аҳоли хабардорлигини ошириш, болалар ва ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, браконьерликнинг олдини олиш ва сайгоқни унинг яшаш жойларида асрашдир. Мехмондўст Қорақалпоқ ерида «Сайгоқ элчилари», аввалроқ Россиянинг Қалмоғистонида бошланган (юқор.қар.) Чўл клублари билан танишувни давом эттириди.

Бу сафар «Сайгоқ куни»да «Музлик давридан сайгоқлар» шиори остида фестиваль ташкил қилинди. Музлик даврида сайгоқлар мамонтлар ва юнгли каркидонлар билан ёнма-ён ўтлаб, ўша замоннинг табиий йиртқичлари, ва албатта, ов билан фаол шуғулланган ибтидоий одам ҳужумларига дуч келган. Ўша даврдаги кўп ҳайвонлар қирилиб кетган, чунки атроф мухитнинг ўзгарган шароитларига мослаша олмаган. Одам ва сайгоқ юқори мослашувчанлиги туфайли тирик қолди, ва ҳанузгача ёнма-ён яшаб келмоқда. Бироқ сайгоқ бугунги кунда, шохларни ноқонуний овлаб, бу реликт антилопа тирик қолишини хавф остига қўяётган браконьерлар шафқатсизлигига мослаша олмаяпти.



Сайгоқ элчилари жамоаси Ўзбекистонда. Ольга Есипова сурати



Ёш актерлар ва Александра Заславская қўғирчоқ спектакли якунлангандан сўнг. Ольга Есипова сурати

«Музлик давридан сайгоқлар» экологик фестивали ғоясини узоқ Канадада яшайдиган болалар – Юкондаги «Беренгия» Маркази аъзолари кўрсатиб берди. Клубнинг навбатдаги машғулоти пайтида мураббийлар ажойиб реликт антилопа тўғрисидаги ҳикояни айтиб бердилар. Бу ҳайвон ўзгача кўриниши билан ва ҳозиргача Ўзбекистон, Мўғулистан, Қозогистон ва Россия чўлларида яшashi билан болаларни шунчалик ҳайратга солдики, улар ўз тенгдошларига, ўзлари каби мактаб ўқувчиларига откритка тайёрлаб мактуб ёзишга қарор қилдилар. Узоқ Канададаги болалардан фарқли равишда, бизнинг болалар сайгоқка яқин яшаш баҳтига мусассар.

Биринчи фестиваль ўтказилиш жойи Нукус шаҳридаги «Прогресс» Таълим ва тараққиёт маркази бўлди. Байрам тадбирларига кичик синфлардан катта синфларгача деярли барча болалар жалб қилинди, бу 2000 одамдан ортиқ. Ҳар бир синфдан тайёрланган жамоалар «экологик экспресс» танловларида сайгоқ ва унинг Музлик давридаги қўшнилари ҳақидаги билимлар, сайгоқ ҳимоясига плакат, она тили ва чет тиллари, шунингдек миллий анъана ва ўйинларига оид билимлар бўйича мусобақалашдилар. Кичкинлойлар учун Чўл клуби аъзолари томонидан учта мини-спектаклдан иборат: «Сайгоқлар ким ўзи?», «Ёвуз овчи ҳақида» ва «Барча ҳайвонлар дўсти» қўғирчоқ спектакли тайёрланди. Болалар-

## Янгиликлар (давоми)

нинг ўзлари ролларни ижро этиб, раҳмдил ва ёвуз, заиф ва кучли персонажларига овоз берди. Яхшилик ёмонликни енгиди, браконьер, томошибинлар кўмагида яна яхши ва раҳмдил одамга айланди.

«Музлик давридан сайғоқлар» экологик фестивалининг кейинги қисми «Сайғоқ элчилари» жамоасининг, сайғоқ яшайдиган жойга яқин Устюрт платосида жойлашган Қирқ-қиз посёлкасига ташрифи бўлди. Посёлкага эко-марафонда, «Қувноқлар ва Зукколар» танловида, шунингдек «Экологик Квест-да» иштирок этиш учун қўшни Жаслик ва Қорақалпоғистон посёлкаларидан учта Чўл клубининг жамоалари келди. Музлик даври пайтларида сайғоқлар мамонтлар ва юнгли каркидонлар билан ёнма-ён сайёҳат қилган. Тўртта Чўл клубининг жамоалари ҳам, уларни хавфли вазиятлар: қадимги одам макрли саволлари билан ва ўткир тишли қиличсимон тишли арслон кутиб турган масофани ўтиши керак эди. Жамоалар, сайғоқлар, мамонтлар ва юнгли каркидонлар терма жамоаси озуқаланиб сувлоқ топиши керак бўлган қувноқ вазифаларни ҳам бажариши кутилаётганди. Буларнинг барчаси тўсиқлар йўли билан алмашиб, у ерда болалар чаққонлик ва зукколик, жамоа руҳи ва бирдамликни намойиш этиши керак эди. Барча ўтилган фестивал танловларининг якунига кўра, одатдагидек, дўстлик ғолиб бўлди. Қирқ-қиз посёлкасининг аҳолиси учун бу кунлар экологик кинозал очилган бўлиб, у ерда кичкинтойларга кичик сайғоқча Бурунвой ва дўстларининг



Қирқ-қизда «Музлик давридан сайғоқлар» Экологик фестивали. Ольга Есипова сурати



«Прогресс» Таълим ва тараққиёт марказидаги концерт, Нукус ш. Ольга Есипова сурати

саргузаштлари ҳақида «Чўл эртаги» мультиPLICATION фильмининг иккита серияси намойиш этилди. Ёши катта меҳмонлар, посёлка аҳолиси, катта синф ўқувчилари эса сайғоқларнинг мушкул кундалик ҳаёти ва «браконьерлар нишони остида» уларнинг тирик қолиш учун курашиши тўғрисида «Сўнгги чизик олдида» номли ҳужжатли фильмни кўра олиши.

«Сайғоқ элчилари»нинг ташриф дастурига, илгари Орол денгизининг сувлари тўлқинланган Мўйноқ шаҳрига ҳам экспурсия кирган эди. Ҳозир бу, сув сатҳининг ҳалокатли даражада пасайиши ва Марказий Осиёнинг бу сув ҳавзаси деярли тўлиқ йўқолиши билан боғлиқ экологик оғат зонасиdir. Бу иқлимининг салбий томонга ўзгаришига, табиат экотизимлари ҳолати ҳамда аҳолининг яшаш тарзи ва даражаси ёмонлашишига олиб келди. «Сайғоқ элчилари» жамоаси, ҳозирги пайтда исонга унинг айбига кўра кўп нарсани, ҳатто денгизни йўқотиш мумкинлиги ҳақидаги мудҳиш огоҳлантириш сифатида қўмда занглаған кемалар ётган собиқ денгиз тубига тушди. Бироқ яхши ҳабар ҳам бор - Мўйноқ шаҳрининг 1-сонли мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари сайғоқни ҳимоялашга, браконьерликка қарши курашишга ва Чўл клублари сафларини тўлдиришга тайёр.

Узоқ Канададаги болаларнинг открытилари билан боғлиқ воқеа эса ўз давомини топди: Қорақалпоғистон Чўл клубларидан болалар сайғоқни асрашга чақирадиган ўз открытиларини тайёрлашди, ахир у чўлда туғилиб, ҳозирги кунларимизгача етиб келган «Ўтмишнинг элчиси» ҳамку.

## Яңгиликлар (давоми)

### «Сайғоқча йўли билан» янги чўл клуби

**Айтбаева Айгуль, Элиста кўп тармоқли гимназияси, Элиста ш., Қалмогистон Республикаси, [aigul-0889@mail.ru](mailto:aigul-0889@mail.ru)**

Қалмогистон Республикасининг Целинний районида Г.К. Жуков номли Троицкий ўрта умумтаълим мактаби негизида 2017 й. сентябр ойида «Сайғоқ йўли билан» номли янги чўл клуби ташкил қилинди. Клуб раҳбари – биология ўқитувчisi, халқ таълими аълочisisи, Қалмогистон Республикаси ва Россия Федерациясининг хизмат кўрсатган ўқитувчisi Юлия Арсенова.

Клуб аъзолари чўл антилопасига бағишлиланган турли хил тадбирлар ташкил қиласди ва ўтказади. Болалар сайғоқ хақида шеърлар, иншолар, плакатлар, расмлар, листовкалар ва табиий материалдан тайёрланган буюмлар танловида қатнашади. Клуб аъзоларининг

фаолияти юқори баҳоланиб, бу болаларга ҳар хил даражадаги: район, республика ва умумrossия танловлари, конференциялар, олимпиада ва ижодий танловларда совриндор ўринларни эгаллашга имкон беради. Сайғоқ билан, унинг яшаш жойлари билан ва турни асраш учун ўтказиладиган тадбирлар билан яхшироқ танишиш учун болалар «Яшкўл» сайғоқ питомнигига, Қалмиқ давлат университетининг зоология ва чорвачилик музейига, Пальмов номидаги Миллий музейнинг табиат бўлимига экскурсияга боришиди. «Сайғоқ йўли билан» чўл клуби аъзоларининг бир қатор экологик тадбирларда фаол иштироки тажрибали биология ўқитувчisi раҳбарлигига бундай ўқувилар уюш-



«Сайғоқ йўли билан» чўл клубининг аъзолари. Н. Пюровенова сурати

## Янгиликлар (давоми)

маси тузилишининг мұхимлигини тасдиқлайды. Бунда, үқувчилар ташаббусини, жумладан бир қатор табиатни мұхофаза қилиш тадбирларининг ўтказилишини ҳар томонлама құллаб-құвватлаган Г.К. Жуков номли Троицкий

ўрта умумтағым мактаб маъмурияти ва унинг директори Роза Санджиеванинг ўйнаган мұхим ролини таъқидлаш лозим.

### Мактабгача ёшдаги болалар учун «Сайғоқча йўли билан» Экологик ривожлантирувчи ўйин

*Инжиеева Герел, 10-сон болалар боғчаси, Элиста ш., Қалмоғистон Республикаси,  
gerinz@bk.ru*

Экологик таълим даражасини ошириш, мактабгача ёшдаги болаларни сайғоқ билан илк бор таништириш, шу ҳайвонлар яшайдиган мұхитни визуаллаштириш ва Қалмоғистоннинг кичик ёшли ахолиси атрофидаги оламни осонроқ қабул қилишлари учун «Сайғоқча йўли билан» номли маҳсус ўйин ташкил этилди. Бу ўйин (ёки мұхит) асосига чўл экотизими модели, унинг барча яшовчилари ва асосий обьекти – сайғоқ билан бирга қўйилган.

Барча фигуранлар, ҳайвоннинг исталған ҳолатини қайдлашга имкон бериб, бу ўйинга жўшқинлик бахш этадиган, симли каркас асосида фетр ва кигиздан қўлда ясалган. Ўйин вақтида болалар «сайғоқ ҳаёти» билан танишадилар, чўлда ҳайвонларнинг ўзаро муносадатлари, уларни кутаётган хавфлар тўғрисида билиб оладилар. Ҳозирги пайтда сайғоқларни қишки (оқ) либосда, кичкина сайғоқчаларни, шунингдек бошқа чўл ҳайвонларини – бўри, тулки, қорсаклар, қуёнлар ва ҳ.к. яратиш устидаги иш олиб борилмоқда. Қалмоғистон Республикасидаги турли болалар муасасаларида бу ўйин презентацияси яку-



Болаларни сайғоқлар билан таништириш. Айгуль Айтбаева сурати

ний кўринишда 2018 йил кузга режалаштирилган.

Ушбу лойиҳа бажарилиши 2017 йилда Сайғоқни асраш бўйича альянс кичик грантлар дастурининг кўмагида мумкин бўлди.

### Мақолалар

#### Астрахан облатининг «Степной» заказниги – сайғоқ мониторинги учун модель участкаси

**Владимир Калмыков, Астрахан облатининг «Степной» заказниги, Россия,  
[limstepnoi@mail.ru](mailto:limstepnoi@mail.ru)**


Астрахан облатининг Лиман райони ҳудудида 2000 й. ташкил этилган, 109.4 минг гектар майдонли «Степной» Давлат табиат заказниги – Шимоли-Гарбий Каспий олди сайғоқ популяциясининг асосий яшаш жойларидан биридир. Бунда 2007 й. заказникнинг 50 минг гектардан ортиқ ҳудуди уй ҳайвонларини ўтлатишдан озод қилиниб, «Сайғоқ популяциясини қайта тиклаш ва асраш зонаси» сифатида расман рўйхатга олинганини таъкидлаш лозим. Бу сайғоқ учун қулай шароитларни таъминлайди, айниқса куйикиш ва қўзилаш давларида.

Деярли заказник ташкил қилинган илк кунларидан унинг ҳудуди турли маҳаллий ва хорижий илмий муассасаларнинг мутахассислари томонидан турни ўрганиш ва уни ўрганиш усусларини текшириш майдони сифатида фойдаланилади. 2003 й. бошлаб заказник ходимларининг кучи билан браконьерликка қарши рейдлар давомида йил бўйи мониторинг ўtkазилиб, унда автомобил маршрутларида сутканинг ёруғ вақтида GPS ёрдамида визуал кузатиш орқали барча учраган ҳайвонлар қайд қилинади. Ходимлар барча учраган сайғоқларнинг сон жихатдан тақсимланиши ҳамда жинс ва ёшга оид тузилмасини, кузатилган санани, об-ҳаво шароитларини, шунингдек кейинги таҳлил учун муҳим бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни белгилайдилар. Дала шароитларида йигилган маълумотлар, кейинги таҳлил билан РФА А.Н Северцов ном. Экология ва эволюция муаммолари институти ходимлари томонидан тузилган маълумотлар базасига киритилади. Тўпланган маълумотлар заказник ҳудудида ҳар хил мавсумларда сайғоқнинг биотопик тақсимланишини акс эттирувчи хариталар тузиш, шунингдек турни асраш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун ўта мухим.

Сўнгги 20 йилда Шимоли-Гарбий Каспий олди ҳудудида яшайдиган сайғоқ популяцияси депрессия ҳолатида бўлиб, ҳозирги пайтда унинг сони жуда паст даражага етди. Бу 2013 й. июлда сайғоқни, ноқонуний овлаш, уйда боқиш, сотиб олиш, сақлаш,

ташиш, жўнатиш ва сотиш учун Россия Федерацияси Жиноий кодексининг 258.1 моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик юзага келадиган ўта мухим аҳамиятга эга ёввойи ҳайвонлар тури ва бошқа биологик ресурслар рўйхатига киритишга асос бўлди. Ҳозирги пайтда сайғоқ Россия Федерацияси Қизил китобининг янги нашрига киритиш учун таклиф этилган турлар рўйхатига киритилди.

Қўйида Каримова ва бошқаларга асан (2017) сайғоқ сони 15-17.6 минг бош деб баҳоланган 2004-2007 йй., ва атиги 3500-5000 зотни ташкил этиган 2014-2016 йй. олинган маълумотлар солиштирма таҳлилининг айрим натижалари тақдим этилган.



1-расм. 2004-2007 йй. ва 2014-2016 йй. «Степной» заказниги ҳудудида сайғоқлар учраган жойлар

## Мақолалар (давоми)

«Степной» заказниги ҳудудида сайфоқлар йил давомида яшайды. 2004-2007 йй. сайфоқлар заказникнинг деярли бутун ҳудудида кузатилган бўлса, 2014-2016 йй. улар асосан «Сайфоқни асрash ва қайта тиклаш зонаси» ҳудудида (1-расм) кузатилган. Бундай қайта тақсимланиш сайфоқларнинг кам сони ва минимал хавотирлик зонасида бўлиш зарурати билан боғлиқлиги аниқ.



Дубинин томонидан ўтказилган таҳлил (2010) яшаш жойини танлагандага сайфоқлар учун бешта омил жуда муҳимлигини кўрсатди: сув манбаларигача бўлган масофа (35%), ёнғинлар кўп бўлиш-бўлмаслиги (28%), чорвачилик фермаларигача бўлган масофа (12%), NDVI индекс бўйича ўсимлик билан қопланганлик (10%) ва жойнинг мутлақ баландлиги (7%). 2004-2007 йй. ҳам, ва 2014-2016 йй. ҳам кузда сайфоқлар бутун ҳудуд бўйлаб тарқалиши, қишида эса заказникнинг шимоли-ғарбий томонида бўлишни афзал кўриши аниқланган. 2004-2007 йй. баҳорда (қўзилаш вақтига яқинроқ) ҳайвонлар шимолда тўпланишган, 2014-2016 йй. шу даврида эса кўпроқ заказник марказида учраган (2-расм).

Очиқ ландшафтларнинг одатий яшовчиси бўлган сайфоқка турли ўлчамдаги подалар

юзага келиши хос бўлган, гурухларга тўплашни хос. Подадаги сайфоқларнинг ўртача сони 2004-2007 йй. 2014-2016 йй.га нисбатан кўпроқ бўлишига қарамасдан ( $t_{3526}=4.24$ ,  $n_1=1069$ ,  $n_2=2457$ ,  $P=0.00002$ ), шу даврлар учун медианалар мос равища 35 ва 40ни ташкил этади (1-жадв.).

Бунда модел ҳудудда охирги 10 йилда подаларнинг сон жиҳатдан тақсимланиш характери йирик подалар сони учраши қисқариши томонга бир мунча ўзгарди (2-жадв.). Шунингдек жуда кичик ва кичик подалар учрашининг аҳамиятсиз даражада қайта тақсимланиши ҳам кузатилган. Эҳтимол, сайфоқлар ҳимояланиш, жумладан йиртқичлардан ҳимояланиш, мақсадида биттадан эмас турли катталикдаги гурухларда юришни афзал кўрап.

Тадқиқотлар даврида, асосан, кичик ва жуда кичик сайфоқ подалари учраши қайдланган, бироқ, агар 2014-2016 йй. бу кўрсаткич ойлар бўйича унча ўзгармай, 84.9 дан 92.4% гачани ташкил этган бўлса (фақат апрел ва майда мос равища 71.2 ва 76.9% гача пасайиб), ундан олдинги даврда ҳайвонларнинг сони кўпроқ бўлганда у апрелда 56.6% дан июлда 100% гача ўзгарган. 2004-2007 йй. йирик подалар деярли йил давомида учраган, ва уларнинг сони қўзилаш ва куйикишдан ол-



2-расм. 2004-2007 йй. (А) ва 2014-2016 йй. (В) мавсумлар бўйича сайфоқлар учраган жойлар.

## Сайғоқни асраш бўйича альянс

### Мақолалар (давоми)

**1-жадвал. Йиллар бўйича сайғоқ подаларининг учраши ва катталиги (Каримова, Лушчекина бўйича, 2018)**

| Йил  | Подалар учраган | Пода катталиги (зотлар сони) |          |         |
|------|-----------------|------------------------------|----------|---------|
|      |                 | Ср±SD                        | Максимум | Медиана |
| 2004 | 176             | 137±280                      | 2150     | 38      |
| 2005 | 259             | 235±752                      | 5000     | 26      |
| 2006 | 298             | 160±428                      | 5000     | 39      |
| 2007 | 336             | 160±412                      | 4250     | 44      |
| 2014 | 923             | 113±226                      | 3000     | 40      |
| 2015 | 477             | 158±283                      | 2500     | 43      |
| 2016 | 1057            | 111±233                      | 3500     | 37      |

дин кўпайган. 2014-2016 йй. йирик подалар апрелда ва майда – қўзилаш вақтида кузатилган, августда эса улар сувлоқлар – артезиан қудуқларига яқин жойда учраган.

Умуман Шимоли-Гарбий Каспий олди ҳудудида сайғоқлар сони аҳамиятли даражада қисқарган. Масалан, 2007 й. қўзилаш учун 15 мингга яқин сайғоқ, куйикишга эса 20 минг зот йифилган бўлса, 2014 й. бу рақамлар мос равишда 4000 ва 2000 бошдан ошмади.

Шимоли-Гарбий Каспий олди популяцияси сони қисқаришининг асосий сабабларидан бири жинсий етилган эркак сайғоқлар улушкининг камайиши ҳисобланади. Мисол учун, сайғоқ шохларига юқори талаб ва 2000-чи йй. бошидаги иқтисодий инқироз маҳаллий аҳолини браконьерлик ови билан шуғулланишга мажбур қилиб, бу, масалан 2002 й. куйикиш пайтига жинсий етилган популяция тузилмасининг жиддий бузилишига ва унинг қайта тикланиши қисқаришига олиб

келди. Шимоли-Гарбий Каспий олди сайғоқ популяциясида катта эркак сайғоқлар улуси йиллар бўйича ўзгарган: 10.3% (2004 й.), 8.8% (2005 й.), 12.7% (2006 й.), 12.9% (2007 й.), 5.7% (2014 й.), 5.4% (2015 й.), 8.1% (2016 й.).

Бир қатор табиатни муҳофаза қилиш чоралари кўрилиши сўнгги йилларда вазиятни бироз яхшилади. Амалий натижа берадиган муҳофаза, антибраконьерлик рейдлари, шу жумладан спорт мотоциклларида рейдлар ўтказилиши, шунингдек маҳаллий аҳоли ўткасида тушунтириш ишлари туфайли бир қатор браконьерлик овига уринишларнинг олди олинди.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, ўтказилган таҳлил сўнгги 10 йилда бу ҳудудда сайғоқ сонининг камайиши популяциянинг этологик тузилмасига кам таъсир қилганини кўрсатди, бироқ ҳайвонларнинг жойда жойлашиши бу ерда бироз ўзгарган. Уй чорваси

**2-жадвал. Йиллар бўйича турли катталиқдаги подалар учраши, %**

| Йиллар    | Пода катталиги (зотлар сони) |        |         |          |       |
|-----------|------------------------------|--------|---------|----------|-------|
|           | <21                          | 21-200 | 201-500 | 501-1000 | >1000 |
| 2004-2007 | 35.3                         | 47.9   | 9.6     | 3.3      | 3.8   |
| 2014-2016 | 30.0                         | 55.6   | 9.8     | 3.7      | 1.0   |

## Мақолалар (давоми)

сонининг ўсиши, чорвачилик турар жойларининг сони кўпайиши ва уларнинг чегарадош ҳудудларда катталашиши, шунингдек ёнғинлар, сўнгги йилларда сайфоқлар кўйикиши ва қўзилаш учун хўжалик фаолияти юритилмайдиган жойларни – «Черные земли» кўриқхонаси ва «Степной» заказникнинг кўриқланадиган ҳудудларини танлашига олиб келди. Катта амалий тажриба фақат унинг ҳозир яшайдиган бутун ареалида амалий натижа берувчи муҳофаза ташкил қилингандагина Шимоли-Ғарбий Каспий олдидаги сайфоқ сони тикланишини кутиш мумкин

деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Сайфоқ мониторингини ўтказишда кўрсатилган ёрдам учун РФА А.Н. Северцов ном. Экология ва эволюция муаммолари институти ходимларига самимий миннатдорчилик билдиримоқчи эдик. Биз шунингдек Дарвин ташаббуси фондига, Сайфоқни асраш бўйича альянс кичик грантлари дастурига, АҚШ Балиқ ва ов хизматига ҳамда Рус география жамиятига кўмак учун миннатдорчилик билдирамиз.

## Қозоғистонда 2017 й. сайфоқларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторинги

**E.P. Байдавлетов<sup>1</sup>, A.A. Грачев<sup>1</sup>, С.С. Кантарбаев<sup>1</sup>, С.К. Сапарбаев<sup>1</sup>, Р.Ж. Байдавлетов<sup>1</sup>, Н.М. Бекманов<sup>2</sup>, Ю.А. Грачев<sup>1</sup>**

**1 Қозоғистон Республикаси Фан ва таълим вазирлиги Зоология институти [teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru); 2 ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси қўмитасининг «Охотзоопром» ИЧБ**


2017 й. сайфоқларни авиаҳисобга олиш (бетпақдала популяцияси – 100 учиш соати; устюорт ва урал популяциялари 50 соатдан; SN, 22-сонга қар.) 11 апрелдан 30 апрелгача даврда ўтказилиб, бунинг учун Eurocopter-145 русумли иккита вертолетдан фойдаланилди. Кўп йиллар давомида сайфоқларни авиаҳисобга олиш ўтказилган АН-2 самолетига нисбатан, кўрсатилган русумдаги вертолетдан фойдаланиш ўз афзалликларига эга, чунки у ҳисобга оловчилар учун қулай ва шинам. Бироқ, нисбатан кичик ҳаракатлар радиуси туфайли ҳисобга олиш маршрутлари билан катта ҳудудларнинг қамраб олиниши билан муаммолар юзага келади, баҳорги лой йўллардан бензовоз ўта олмаслиги сабабли эса, ҳамма жойда ҳам вертолётларга чўлда қўшимча ёқилғи қўйиш имкони мавжуд эмас. Шунга мувофиқ, ушбу мақола мувалифларининг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, Қозоғистон Республикасининг бепоён ҳудудида сайфоқларни авиаҳисобга олиш ўтказиш учун АН-2 русумли самолетдан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқ.

Урал популацияси сайфоқлари ҳисобга олиш ўтказиш вақтида 34,4 минг км<sup>2</sup> майдонда тарқалган эди, ҳайвонларнинг ўртача зичлиги эса турли участкаларда 1 км<sup>2</sup>га 0,03 дан 16,79 зотгача ўзгарган. Сайфоқларнинг энг кўп сони (73,2 минг) Ғарбий-Қозоғистон обlastининг шимоли-ғарбий қисмида (Россия билан чегара яқинида; 1-харита) кузатилган, ҳайвонларнинг умумий сони эса бу ерда 98, 1 минг зотни ташкил қилиб, бу 2016 йилдан (70,2 минг) деярли 28 мингтага кўп. Сайфоқ сонининг кўпайиши билан бирга бу популация ареалининг шарқ ва жануб йўналишларида кенгайиши кузатилмоқда.

Устюорт сайфоқ популяциясини ҳисобга олишда 27,1 минг км<sup>2</sup> майдонда Тассай темир йўл станциясидан шимолроқда икки участка кузатилган (2-харита). Яқинда қурилган Шалкар-Бейнеу темир йўлидан жануброқда авиаҳисобга олиш вақтида сайфоқлар рўйхатга олинмаган; аввалги йилларда ҳайвонлар жанубга Ўзбекистон билан чегарагача ва ҳатто ундан жануброққа муентазам кўчиб юришига қарамасдан, улар бу ерда қиши

## Сайғоқни асраш бўйича альянс

### Мақолалар (давоми)



1-харита. 2017 й. Урал популациясини авиаҳисобга олиш ва сайғоқнинг асосий қўзилаш жойлари.

Условные обозначения – Шартли белгилар

Места встреч саидаков – Сайғоқ подалари учраган жойлар

Маршруты авиаучёта – Авиаҳисобга олиш маршрутлари

Участки экстраполяции – Экстраполяция участкалари

Главные автодороги – Асосий автойўллар

Железные дороги – Темир ўўллар

Реки – Дарёлар

Озёра – Кўллар

Места окота – Қўзилаш жойлари


мавсумида ҳам кузатилмаган (савол-жавоб маълумотларига асосан). Кўрсатилган икки участкада сайғоқларнинг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 0,02 ва 0,16 зотни ташкил қилган, умумий сони эса – 2,7 минг бўлиб, бу 2016 й. кузатилгандан (1,9 минг) бироз кўпроқ. Бироқ шуни тасдиқлаш керакки, ушбу популяция сайғоқларининг сони критик жиҳатдан паст даражада қолмоқда.

Бетпакдала популяцияси сайғоқларинт авиаҳисобга олиш ишлари вақтида 98 минг км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган, шу жумладан 62 минг км<sup>2</sup> – ареалнинг фарбий қисмида Шалкар-Тенгиз шўрхоки, Тўрғай, Жиланшик дарёлари атрофида ва 36 минг км<sup>2</sup> – ареалнинг шарқий қисмида Тениз ва Коргалжин

кўллари атрофида (3-харита). Ҳайвонларнинг ўртача зичлиги турли участкаларда 1 км<sup>2</sup>га 0,23 дан 7,97 зотгacha ўзгарган. Популяциянинг умумий сони 51,7 минг зотни ташкил этиб, бу 2016 йилгидан (36,2 минг) 15,5 мингта кўпроқ. Бунда 80% яқин ҳайвонлар ареалнинг фарбий қисмида, 20% эса – шарқий қисмида кузатилган. 2015 й. ялпи ўлимдан сўнг популяция сони аста-секин кўпаймоқда, бироқ ареалнинг сезиларли кенгайиши ҳали кузатилмаяпти.

2017 й. сайғоқлар қўзилаши, асосан, май ойининг иккинчи декадасида ўтди, яъни унинг муддатлари кўп йилликлардан фарқ қilmади. Урал популяцияси сайғоқларининг қўзилаши Борси, Жанабаев, Шигер посёлкалари атро-

## Мақолалар (давоми)



2-харита. 2017 й. Устюрт популяциясини авиаҳисобга олиш ва сайғоқнинг асосий қўзилаш жойлари.

фіда, тахминан сайғоқлар авиаҳисобга олиш вақтида қайдланган жойларнинг ўзида ўтди. Ҳайвонлар тўпланиши тўртта участкада кузатилган: 10-20 км<sup>2</sup> майдонли биринчисида 10 мингга яқин сайғоқ йиғилган, 25-30 км<sup>2</sup> майдонли иккинчисида – 40 мингга яқин, 5 км<sup>2</sup> катталикдаги учинчисида – 3 мингга яқин ва 15 км<sup>2</sup> ли тўртинчисида – 25-30 минг сайғоқ. Қўзилаш авжи 9 майдан 13 майгача кузатилган, охириги туғилган сайғоқчалар эса 18 майда учраган. Узунлиги 23,3 км бўлган пиёда маршрутларда 327 сайғоқча учраб, бу ўрта ҳисобда 1 км га 14 ҳайвонни ташкил қилди. Бунда трансекталарда 127 марта 1тадан қўзи учраган (82%), 50 марта эса – 2тадан (18%). Бизнинг кузатишимиизга асосан қўзилаган битта урғочига ўртacha 1,18 қўзи тўғри келган. Жинси аниқланган 169 сайғоқчадан 55,2% эркақ, 44,8% эса – урғочи экан. Сайғоқчаларнинг ўртacha вазни кўп йиллик маълумотларга яқин бўлди: эркаклар – 3768 г, урғочилар – 3496 г.


Урал популяцияси сайғоқларида куйикиш бошланиши декабрнинг биринчи декадасида кузатилган. Аралсор кўлидан шимолроқда ҳар бирининг сони 1 минг бошдан кўп бўлган бта йирик ҳайвонлар подаси кузатилган.

Устюрт популяциясида қўзилаш даврида йирик подалар кузатилмаган, ва фақат 20-30та зотдан иборат бир нечта тарқоқ гурӯҳлар учраган. Шошқакўл шўри ва Монисай дарёси орасидаги участкада май ойининг ўртасида янги туғилган сайғоқчалар учраган. Августда Устюртда биз 10та катта бўлмаган подаларни учратиб, уларда 31та урғочи ва 19та сайғоқчани кўрдик, яъни битта урғочига ўртacha 0,61 сайғоқча тўғри келган. Шунингдек қўзисиз 12та урғочи учраган, эҳтимол, улар қисир қолгандир. Декабр бошида куйикиш даврида 7 (бта урғочи ва 1та эркақ), 14 ва 17та сайғоқдан иборат 3та ҳарам пода учраган.

Бетпакдала популяцияси сайғоқларининг

## Сайғоқни асраш бўйича альянс

### Мақолалар (давоми)



3-харита. 2017 й. Бетпакдала популяциясини авиаҳисобга олиш ва сайғоқнинг асосий қўзилаш жойлари.

қўзилаши иккита жойда қайдланган: Тениз кўл, шимоли-фарброқда (Тайтеткен табиий чегараси) ва Тўрғай д. этакларида Иргиз-Тўрғай табиат резервати ҳудудида. Биринчи участкада 2,5 мингга яқин сайғоқ тўпланган. Биринчи янги туғилган сайғоқчалар бу ерда 13 майда учраган, ялпи қўзилаш эса 16-18 майда кузатилган, охирги янги туғилган сайғоқчаларни 19 майда кўришган. 132та учраган сайғоқчадан 52% ҳолларда 1тадан, 41,7% – 2 тадан ва 6% – 3тадан қўзи бўлган (расмга қар.). Иккинчи участкада, Иргиз-Тўрғай резервати ходимларининг хабарига кўра, сайғоқ қўзилаши 6 майдан 20 майгача, иккита участкада 5 минг ва 2,5 мингга яқин ҳайвонлар тўпланган 2,5 минг км<sup>2</sup> майдонда ўтган. Куйикиш бошланишини биз декабрнинг бошида, тахминан 7 минг сайғоқ тўпланган Шалкар-Тенгиз шўрхокидан жануби-шарққа жойлашган ҳудудда кузатганимиз.


Сайғоқлар популяциясининг жинсий етук тар-

киби тўғрисдаги маълумотлар турли район ва ҳар хил мавсумларда фарқланади. Апрелда урал популяцияси яшайдиган ҳудудда вертолетдан олинган фотосуратлар бўйича умумий сони 306 зот бўлган сайғоқларнинг 25та гурухида эркаклар 39 (12,7%), урғочилар эса 267 (87,3%) зот бўлган. Июнда дурбин



Урғочи сайғоқ учта қўзиси билан. Тениз кўли атрофи, май 2017 й. Е.Р. Байдавлетов сурати

## Мақолалар (давоми)



13та эркак сайғоқдан иборат пода. Устюорт, апрел 2017 й. С.К. Сапарбаев сурати

орқали визуал кузатишлар бўйича умумий сони 1122 зот бўлган сайғоқларнинг 12та грухида эркаклар 131 (11,7%), урғочилар – 578 (51,5%) зот, сайғоқчалар – 413 (36,8%) бўлган. Декабрда дурбин орқали қайд қилинган 1863 сайғоқдан 265таси (14,2%) эркак, 1598таси (85,8%) – урғочи ва шу йил туғилган (узоқроқ масофадан улар ўлчамларига кўра катталардан фарқ қilmайди) сайғоқлар бўлиб чиқди.

Устюртда апрелда вертолетдан ҳисобга олинган 1231 сайғоқдан 109таси (8,8%) эркак, 1122таси (91,2%) урғочи бўлган. 4,7,13 ва 18 зотдан иборат 4та «эркаклар» подаси учраган (расм. қар). Августда учраган 99та сайғоқдан атиги 4таси эркак бўлган (эҳтимол кичик танланма туфайли).

Бетпақдала популяциясида августда 243 сайғоқдан иборат 25та подада эркаклар улуши 5,3%, урғочилар – 42%, сайғоқчалар – 52,7% ни ташкил этди. Декабрда умумий сони 291 сайғоқ бўлган бта подада (фотосуратларга кўра) 27 эркак (9,2%) ва 264 урғочи ва шу йил туғилган сайғоқлар (90,8%) бўлиб чиқди.

Умуман олганда сайғоқлар популяцияларининг тузилмаси бузилган ҳисобланади, асосан нолегал ов пайтида эркакларни танлаб отиш туфайли.

Тадқиқотларда, Қозогистон Республикаси Фан ва таълим вазирлигининг Зоология итнитути ходимларидан ташқари, ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси қўмитаси, «Охтозоопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, область худудий инспекциялари, «Иргиз-Тўрғай» ва «Олтин-Дала» табиат резерватлари, Қозогистон биохилма-хиллигини асраш асоциацияси, Коргалжин давлат қўриқхонаси мутахассислари иштирок этди, муаллифлар уларга самимий миннатдорчилик билдиради.

### Мақолалар (давоми)

#### Сайғоқларнинг ялпи ўлими: Қозогистон-британия илмий-тадқиқот экспедицияси томонидан ходисаларнинг ўрганилиши

Ричард Кок<sup>1</sup>, Э. Дж. Милнер-Гулланд<sup>2</sup>, Сара Робинсон<sup>3</sup>, Штеффен Цутер<sup>4</sup>, Мухит Орынбаев<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Қироллик ветеринария коллекция, Лондон, Буюк британия (Royal Veterinary College, London, UK); <sup>2</sup> Зоология кафедраси, Оксфорд Университети, Оксфорд, Буюк британия (Department of Zoology, University of Oxford, Oxford, UK); <sup>3</sup> Холис тадқиқотчи, Франция;

<sup>4</sup> Франкфурт зоология жамияти, Франкфурт, Германия (Frankfurt Zoological Society, Frankfurt, Germany) ва Қозогистон биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси, Астана, Қозогистон; <sup>5</sup> Биологик хавфсизлик мұаммолари илмий тадқиқот институти, Гвардейский, Қозогистон.

Қозогистоннинг Урал обласидаги популяцияни анча қысқартырган сайғоқларнинг 2010 йилдаги ялпи ўлимидан (11-ва 12-сонли Saiga News қар.) сүнг Қозогистон ва бошқа мамлакатларнинг ҳукумати томонидан турни асраш бүйича қабул қилинган тезкор чоралар билан бир қаторда турни асраш мұаммоларнинг экологик ва ветеринария жиҳатларини ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот экспедиция ҳам ташкил қилинган эди. Ташаббус бир қатор табиатни муҳофаза қылувчи ташкилдардан чиққан, уларнинг ҳаракатлари эса Қозогистон биохилма-хилликни асраш ассоциацияси (АСБК) томонидан Ўрмон хўжалиги ва ёввойи табиат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Қозогистон Республикаси Фан ва таълим вазирлиги қошидаги Биохилма-хиллик институти билан яқин ҳамкорликда мувофиқлаштирилган. 2012 йилдан бошлаб, ишлар йиллик ва икки йиллик режалар бўйича амалга оширилади. Бунда асосий эъти-

бор бетпакдала популяциясига қаратилган: баҳорда ҳайвонларнинг қўзилаш жойларига турли соҳа мутахассислари билан узоқ муддатли экспедициялар ташкиллаштирилди, кузда эса радио бўйинбоқлар ёрдамида сайғоқларнинг мониторинги олиб борилади.

Үтган давр мобайнида эпизоотиялар авж олиш вақтида ўлим сабабларини ўрганиш бўйича операцияларни амалга оширишнинг стандарт мұолажалари ишлаб чиқилди ва Астанада Ветеринария лабораторияси, Олматода Юқумли касаллуклар лабораторияси, шунингдек Буюк Британияда Пирбрейт Институти (Pirbright Institute UK) қошидаги ва Германияда Фредерик Леффлер (Friedrich Loeffler Institute, Germany) халқаро лабораторияларининг бевосита иштирокида Қозогистонлик ветеринарларни ўқитиш бўйича курслар ўтказилди. Олинган маълумотлардан Атроф-муҳит бўйича БМТ Дастири доирасида Кўчиб юрувчи турларни саклаш бўйича Конвенция томонидан чиқарилган эпизоотиялар билан курашиш бўйича баён ва қўлланмаларда фойдаланилган.

#### 2015 й. сайғоқларнинг ялпи ўлими

Мунтазам равишда мониторинг ўтказилиши жуда ўринли бўлди, чунки 2015 й. тўсатдан даҳшатли эпидемия бошланиб кетди. Ўлим кўламлари сайғоқ тарихидаги бошқа шунга ўхшаш ҳоллар билан солиширса бўладиган эди ва у тўғрисида хабарлар кўп қозоқ ва халқаро нашрларнинг биринчи сахифаларидан жой эгаллади. Фожиа жойида ҳозир бўлган кичкина, бироқ яхши қуролланган текшириш гурухи ҳодисалар жойида пухта кузатувлар ўтказиб, янги намуналар олишга мұяссар бўлди. Ўлим сони ялпи характерга эгалиги маълум бўлган заҳоти далада ишлаётган мутахassis-



Чўлдаги мониторинг жамоасининг дала лагери.  
Штеффен Цутер сурати

## Мақолалар (давоми)

ларга тезда ёрдам келди ва майдони юзлаб, хатто минглаб квадрат километрдан иборат бўлган худудда яшайдиган ҳайвонларнинг иккита подасидаги ўлими билан боғлиқ вазиятни аниқлаш мақсадида яна битта экспедиция ташкил этилди. Ташҳисни тасдиқлаш ҳамда ўлим сабабларини чуқурроқ тушуниш мақсадида кўпгина намуналар олинди ва кўплаб кузатишлар олиб борилди.

Бироқ кўрилган чоралар воқеани тугаганини билдирамасди, чунки олдинда ҳали жуда кўп, хусусан бошқа ҳайвон турлари ва шунингдек уй ҳайвонларида ҳам сайғоқ эпизоотияларидан кейин авж олиши мумкин бўлган шу каби ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ишлар кўп эди. Кейинги икки йил давомида маълумот тўплаш давом этди, хусусан, 2016-2017 йи. омон қолган сайғоқларни кузатиш учун Бетпак-далага экспедициялар амалга оширилди. Олинган экологик маълумотларга ишлов берилди, йиғилган намуналар лабораторияларда тахлил қилинди; олдинроқ бўлган ўхшаш ҳодисалар ҳамда улар юзага келган шароитларнинг моделлари ясалди.

### Якунлар

Сайғоқлар дунё популяциясининг 60% ва бетпакдала популяциясининг деярли 90% ўлимига олиб келган касалликни аниқлаш дала шароитларида ҳам қийинчилик туғдирмади. Бироқ, унинг ягона қўзғатувчиси, *Pasteurella multocidans* аниқлаш ва барча бошқа маълум бўлган патоген микроорганизмларни истисно қилиш учун узоқ ойлар талаб этилди. Касаллик “геморрагик септицемия” номи билан маълум.

Эҳтимол, умумий сони 68 000 зотгача бўлган катта сайғоқ подаларининг саноқли кунларда ер юзидан йўқ бўлиб кетган бу ақлга сифмайдиган ҳодисасининг чуқурроқ сабабини аниқлаш мухимроқ эди. Бу масалани ечиш учун олимлар – Қозоғистон ва кўп европа давлатларининг экология ва атроф мұхит билан боғлиқ омилларини ўрганган турли институт лабораторияларининг ходимлари юқорида ёдга олинган тадқиқотчилар гуруҳига ёрдамга келдилар. Катта босим остида ишлашга тўғри келди, чунки муаммога илмий жамият ва жамият кенг табақаларининг дикқати қаратилган



Иргиз-Тўргай резерватида нобуд бўлган сайғоқлар. Стеффен Цуттер сурати

### Мақолалар (давоми)

эди, олимлар эса барча тасодифларни мустасно қилиб, содир бўлган ҳодисанинг аниқ илмий сабабини кўрсатишлари керак эди. Одатга кўра, сут эмизувларнинг ялпи ўлими сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилинмайди, бу эса жуда катта қизиқиш уйғотган шу каби ҳодисаларнинг деярли биринчиси эди. Натижада ҳозирги кунда Буюк Британияда Атроф муҳитни ўрганиш миллый кенгашининг маълумотлар базасида сақланаётган маълумотларнинг катта ҳажми тўпланди, шунингдек бу мавзуда нашр этилиши давом этаётган кўпгина илмий ишлар ёзилди. Етакчи мутахассислар томонидан тақриз қилинадиган *Science Advances* журналида бўлиб ўтган ҳодисалар ва қилинган ихтиrolарга бағишлиланган обзорли мақола босиб чиқарилди.

Шундай қилиб, кўпгина катта сайғоқларнинг бодомсимон безида латент холатда доимо мавжуд бўлиб, қонга тушган *P. multocida* бактерияси эпидемиянинг сабаби бўлган деб хулоса қилса бўлади. Эҳтимол, касаллик катта майдонда жуда қисқа вақт ичидаги тарқалган эпидемия тусини олишига табиий шароитлар сабаб бўлган. Ялпи ўлимидан олдинги ўн кун давомида сайғоқлар қўзилаш учун фойдаланган ҳудудларда нисбий намлик ва минимал ҳарорат (конденсация ҳароратлари)нинг кўтарилиши қайд қилинган. Бу бактерияларнинг ҳаётидаги ўзгаришларга сабаб бўлган, улар тез кўпайишни бошлаб, ҳайвонлар қонининг заҳарланиши ва уларнинг ўлимига олиб келган. Нисбий намлик кўтарилиши тўғрисидаги тахмин, 1981 ва 1988 йй. ҳарорат



Ричард Кок ҳамкаслари билан далада ўлимдан кейинги ўрганиш ишларини бажармоқда. Стеффен Цуптер сурати

тебранишлари унча аҳамиятли бўлмаса-да, шу йилларда рўйхатга олинган ялпи сайғоқлар ўлимининг сабаблари билан деярли тўғри келади. Бундай хуросаларга олимлар, унинг жараёнида барча мумкин бўлган вазиятларнинг моделини тузган, биргаликдаги узоқ муддатли сердиққат иши натижасида келдилар.

#### Келажак

Сайғоқларнинг 2015 й. ялпи ўлимини ўрганиш учун бирлашган олимлар жамоаси фаолиятини давом эттироқда, ва ҳозирги вақтда сайғоқлар ва умуман туёқлиларнинг ялпи ўлими муаммосини чукурроқ тушуниб этишга ҳаракат қиляпмиз ва турли давлатлар ҳукуматига мониторинг ва тез жавоб қайтаришнинг янада самарали усууларини ишлаб чиқишига ёрдам беряпмиз. Шундай қилиб, 2015 й. содир бўлган ҳодиса устидаги ишларимизнинг натижалари, 2016-2017 йй. майда кавш қайтарувчилар (PPR) ўлати эпидемияси сайғоқ популяциясига зарар етказган Муғулистаннинг ҳукумати, олимлари ва нодавлат ташкилотларига жуда фойдали бўлди. Ҳозирги вақтда бизга бир нечта ёш олимлар қўшилди ва биз биргаликда «сайғоқлар» касалининг турли жиҳатларини ўрганишга уринмоқдамиз. Бу келажакда унинг авж олишини енгишни ўрганишимизга ёрдам беради ҳамда янги ва қизиқарли фаннинг туғилишига олиб келади деб умид қиласиз.

2015 й. сайғоқларнинг ялпи ўлимига олиб келган сабаблар бўйича умумлаштирилган маълумотлар келтирилган иш билан <http://advances.sciencemag.org/content/4/1/eaao2314> да танишишингиз мумкин.

## Мақолалар (давоми)

### Сайфоқларниң үлими, қўзилаш жойлари ва сайфоқлар истеъмол қиладиган ўсимликларниң кимёвий таркиби: электрон шаклда олиш мумкин бўлган маълумотлар тўплами

**Зоология кафедраси, Оксфорд университети, Буюк Британия, [sarah.robinson09@gmail.com](mailto:sarah.robinson09@gmail.com)**

Совет ҳукумати узоқ вақт давомида дала йиғинларини фаол молиялаштириб, бунинг натижасида катта маълумотлар базаси тўплланган, бироқ унинг кўпроқ қисми фақат кутубхона ва архивларда мавжуд. Leverhulme трести ва Табиат мухитини тадқиқ қилиш кенгаши (Natural Environment Research Council – NERC) томонидан молиялаштириладиган иккита лойиҳа доирасида биз, юқорида ёдга олинган манбалар, шунингдек кейинроқ олинган дала иши натижалари асосида сайфоқ бўйича учта электрон маълумотлар базасини яратдик:

1. Бетпакдала популяцияси сайфоқларининг қўзилаш ва ялпи үлими жойлари географик локацияларининг векторли файллари;
2. Нобуд бўлиш ва қўзилаш жойларидағи табиат шароитлари бўйича маълумотлар тўплами;
3. Сайфоқлар озуқа сифатида истеъмол қиладиган турларини ажратган ҳолда, озуқа ўсимликларининг кимёвий таркиби бўйича маълумотлар базаси.

2015 йил майда 200 000 дан ортиқ сайфоқлар нобуд бўлган, ва бу шу ҳайвонлар ялпи үлимининг ilk ҳолати эмас эди (Kock et al., 2018). Кўп ҳолларда сайфоқлар үлими тўғридан-тўғри *Pasteurella multocida* бактерияси келтириб чиқарган геморрагик септицемия билан боғлиқ бўлган. Бироқ бу ишда ҳали кўп жумбоқлар қолмоқда, чунки ушбу патоген сайфоқ симбионти ҳисобланади ва унинг организмида зарар келтирмасдан яшashi, ва, эҳтимол, фақат эгасининг атрофидаги мухит шароитлари ёки экологик вазият ўзгариши туфайли ҳайвон учун хавфли бўлиб қолиши мумкин.

Одатга кўра, геморрагик септицемия авж олиши май ойида сайфоқлар зич подаларга тўпланадиган қўзилаш пайтида содир бўлади. Учта энг жиддий эпидемиялар 1981, 1988 ва 2015 йй. қайд қилинган. Бунда ҳар бир


ҳолатда эпидемия бир нечта ҳудудни қамраб олган, ва учта ҳолатнинг барчасида бетпакдала популяцияси жабр кўрган.

**Қозғистонда сайфоқларининг қўзилаш ва ялпи үлими жойлари географик локацияларининг векторли файллари** касаллик авж олган ҳудудларнинг жойлашган жойлари ҳақида маълумотга, шунингдек, солиштириш учун, бетпакдала популяцияси ҳайвонларининг одатий шароитларида ўтган қўзилаш жойларининг жойлашуви тўғрисидаги ахборотга эга. Жами маълумотлар базасида дала тадқиқотлари вақтида аэросъемкалар, телеметрик ўлчашлар ва адабий манбалар ёрдамида олинган сайфоқлар қўзилаш ва ялпи үлими жойларининг 214таси қайд қилинган. Биринчи учта йўл билан олинган локациялар тўғрисида маълумот, одатга кўра, ҳар хил характеристи билан фарқланади ва ўлим ёки қўзилаш ҳудудларининг реал ўлчамлари ва шакллари ҳақида тасаввур беради. Адабий маълумотлар ўзидан ё қофоз хариталарнинг рақамланган суратларини (ҳайвонлар нобуд бўлган айrim ҳудудлар учун қилинган), ё атрофи ўралган олти километрли тўсиққа эга участкалар тўғрисидаги маълумотни ифодалаб, шундай тарзда қўзилаш пайтидаги поданинг ўртacha катталиги ҳақида тасаввур беради.

Бу маълумотларни ҳозирги пайтда Экологик ахборот маркази NERCдан тошиш мумкин: <https://catalogue.ceh.ac.uk/documents/8ad12782-e939-4834-830a-c89e503a298b>

Вектор файлларида келтирилган 214 ҳудуддан, атроф мухит ҳолати бўйича маълумотлари бўлган 135та участка (2-расм) танланиб, улар асосида ялпи ўлим вақтида ҳодисалар ривожланишининг мумкин бўлган вариантлари моделлаштирилган, шунингдек ялпи ўлим жойларида ва назорат ҳудудларида атроф мухитнинг солиштирма таҳлили ўtkazilgan (Kock et al., 2018). Маълумотлар геморрагик септицемияга

## Мақолалар (давоми)



Расм. Улар учун атрофдаги шароит бүйича маълумотлар маълум бўлган сайғоқларнинг қўзилаш ва ялпи ўлими жойлари (рангли нуқталар ўлим жойларини билдиради, оқлари – одатий шароитларда ўтган қўзилаш ҳудудлари; манба – Kocketal. 2018 ).

Die-off/calving – йўлим/қўзилаш ҳудудлари

Provincial boundaries – Областларнинг чегаралари

алоқаси бўлган, намлик, ҳарорат, ёғинлар миқдори ва шамол тезлиги каби иқлим параметрларини ўз ичига олади. Ўсимлик биомассасининг миқдори, фенология ва қўзилашдан олдинги қиш даврининг давомийлиги индикаторлари вегетацион индекс (Normalised Difference Vegetation Index – NDVI) ёрдамида, шунингдек қор мавжудлиги ва қор қопламишининг қалинлиги ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланган. Муаллифлар ялпи ўлимга олиб келган асосий омиллар ҳарорат ва намлик бўлганлиги эҳтимолга яқинроқлигини аниқлашди.

Моделлаштиришда фойдаланилган атроф мухит шароитлари бўйича маълумотлар Environmental conditions at saiga calving and die-offs in Kazakhstan, 1979 to 2016 («Қозогистонда 1979 йилдан 2016 йилгача сайғоқларнинг қўзилаш ва ялпи ўлими жойларидаги атроф мухит шароитлари») номи остида бирлаштирилган ва <https://catalogue.ceh.ac.uk/>

[documents/912ea336-ac90-418f-beba-7ae226e167e9](#) да тақдим этилган.

Атроф мухит шароитлари ҳақидаги маълумотларни қўзилаш ва ўлим жойлари тўғрисидаги қўшимча ахборот билан бирлаштириш учун бу маълумотларни ва юқорида ёдга олинган вектор файлларнинг атрибутив жадвалида келтирилган ҳудудлар бўйича метамаълумотларни, ўзгарувчан идентификатори ёрдамида бирлаштириш мумкин.

Тегишли ишда **сайғоқнинг ялпи ўлими бўйича рус тилидаги ҳужжатлар обзорини инглиз тилида** ҳам келтирдик. Ҳужжатлар дала кузатувларининг замонавий маълумотларини, шунингдек аэросъемка ва ветеринария тадқиқотлари натижаларини ўз ичига олади. Бу ишларни Сайғоқ бўйича ресурс марказининг вебсайти: <http://www.saigaresourcecentre.com/literature> да топиш мумкин.

## Мақолалар (давоми)

**Ем-хашак ўсимликларининг кимёвий таркиби бўйича маълумотлар базасида** номлари лотин ва рус тилларида кўрсати-лган деярли 1 000 турдаги сахро ва чўл ўсимликлари, шунингдек уларнинг кимёвий таркиби, ўзлашириладиган протеиннинг миқдорга оид таркиби ва энергетик қуввати тўғрисидаги 5 000дан ортиқ ёзув мавжуд. Ушбу ахборот совет нашрларидан олинниб, рақамланган. Шунингдек маълумотлар ба-засида сайфоқлар истеъмол қиласидаги ўсим-ликлар ҳақида ахборот мавжуд. Ҳар хил замонавий ва совет манбаларидан олинган бу маълумотлар йилнинг ҳар хил мавсум-ларида сайфоқнинг сифатли озиқланишини баҳолашга имкон беради (Haines, 2016). Бу ахборотни ҳам NERC экологик ахборот мар-казида топиш мумкин: <https://catalogue.ceh.ac.uk/documents/6a5a9a2a-730b-49f7-9e42-2295040aee56>



Қозогистондаги Муюнкум сахросидаги саксовул (*Haloxylon spp.*)

## Шимоли-Ғарбий Каспий олди сайфоқ популяцияси сонининг сўнгги депрессияси вақтидаги генетик хилма-хиллиги: дастлаб натижалар

**Холодова М.В., Кашинина Н.В., Лущекина А.А., Сорокин П.А., РФА А.Н. Северцов ном. Экология ва эволюция муаммолари институти, [mvkholod@mail.ru](mailto:mvkholod@mail.ru)**

Сайфоқ эволюция тарихининг турли босқичларида плейстоцен-голоценда иқлимининг глобал ўзгариши, кечроқ даврларда эса – ноқулай об-ҳаво шароитлари кучайтирган антропоген таъсир натижасида унинг сони кескин камайиши даврлари кузатилган. 20 аср охирида унинг бутун ареали бўйлаб сони кўп мароталаб қисқариши туфайли, сайфоқ «критик хавф остидаги тур» сифатида МСОП Қизил рўйхатига, СИТЕС II-иловасига ва Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар турини асраш бўйича конвенциянинг (CMS) II-иловасига киритилган эди. Россиянинг Шимоли-Ғарбий Каспий олди ҳудудида ҳудудда ажратилган сайфоқ по-пуляциясининг сони 20 аср охиридан 40

баробардан кўпга камайди. Бу даврда, танлаб нолегал ов қилиш туфайли, бу популяцияда катта эркак сайфоқлар сони кескин камайиши ҳам кузатилган. Бу уларнинг, жиддий даражада ҳайвонларнинг мослашиш имкониятларининг кенглигини ва потенциал яшовчанлигини белгилайдиган генетик хилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Ҳозирги пайтда РФА ИПЭЭ Молекуляр диагностика усуллари кабинетида митохондриал ва ядрорий ДНК молекуляр маркерларининг полиморфизмини баҳолаш асосида Шимоли-Ғарбий Каспий олди сайфоқ популяциясининг генетик хилма-хиллиги замонавий даражасини тадқиқ қилиш ишлари бошланган. Аввалроқ ареалининг ҳар

## Мақолалар (давоми)

хил қисмларидан бўлган сайғоқнинг генетик ўзгарувчанлиги рецент ва қисман музей на муналарининг митохондриал ДНК (мтДНК) назорат ҳудудининг нисбатан қисқа фрагментини таҳлил қилиш асосида таърифланган эди (Kholodova et al., 2006). Шунингдек генетик хилма-хиллик йўқолишини кўрсатган, замонавий ва қадимги (плейстоцен) сайғоқларда мтДНК назорат ҳудудининг қисқа фрагментлари полиморфизмини со лишириш бўйича маълумотлар мавжуд (Campos et al., 2010).

Тадқиқотларимиз жараёнида она томондан наслга ўтиш хилма-хиллигини тавсифловчи тўлиқ мтДНК назорат ҳудудининг полиморфизмини (D-халқалар) таҳлил қилиш учун оригинал праймерлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ҳам она томоннинг, ҳам ота томоннинг ўзгарувчанлигини акс этадиган

ядровий ДНК микросателлит локуслари-нинг таҳлили ўтказилмоқда. Бунинг учун аввалроқ сайғоқ учун маҳсус яратилган микросателлит праймерлар панелидан фойдалнилади.

Ушбу ишда Астрахан обlastининг «Степной» Заказниги ҳудудида яшовчи сайғоқлардан олинган иккита намуна танланмасининг генетик тавсифлари солиштирилади. Жун бўлаклари ва қуруқ мушаклардан иборат биринчи танланма 1999-2000 йй. тадқиқ қилинаётган популяция сонининг депрессияси бошланганда йиғилган. Иккинчи танланма намуналарини йиғиш 2010 йилдан ҳозирги пайтгача даврда бажарилган.

Иккинчи танланма намуналарининг бир қисмини нажас ташкил этиб, уларни йиғиш ва сақлаш учун маҳсус усулият ишлаб



Сайғоқча сурати. П.А.Сорокин сурати

## Мақолалар (давоми)




Молекуляр-генетик таҳлилга тайёр сайғоқ экскрементларининг сурати. П.А.Сорокин сурати

чиқилган. Таҳлил учун яроқли ДНК, кўпроқ яхши натижа билан дефекациядан кейин дарҳол йифилган ва (95-96 %) спиртли пробиркага жойланган нажас намуналаридан олинади. Проба йиғаётганда ифлосланишнинг олдини олиш учун бир марта ишлатиладиган перчатка ва тоза инструментлар (қайчи, скальпел, пинцетлар)дан фойдаланиш шарт. Иккинчи танланмага қўшимча равишида, 2010-2011 йй. «Черние Земли» қўриқхонаси худудида ўтказилган, янги туғилган қўзилар ҳолатини қўриқдан ўтказиш (тортиш ва ўлчаб қўриш) вақтида олинган сайғоқчаларнинг қуруқ киндик ичакчалиари намуналари кирган.

Ҳозирги пайтга 100дан ортиқ сайғоқ биопробалари учун мтДНК назорат худудининг нуклеотид кетма-кетлиги олинган. мтДНК таҳлилига асосланган дастлаб маълумотларга кўра шуни айтиш мумкинки, ҳатто деярли икки охирги ўн йиллик мобайнинда давом этаётган, соннинг аҳамиятли даражада камайиши босқичида ҳам, тадқиқ қилинаётган сайғоқ популяциясида ёввойи туёқлилар учун деярли юқори генетик хилма-хиллик сақланган. Мисол учун, иккала даврнинг танланмаларида мтДНК назорат худудининг ген (гаплотипик) хилма-хиллиги ўхшаш бўлган ( $0.986+/-0.009$  ва  $0.974+/-0.018$ ). Сон депрессияси бошланишининг ва кейинги босқичларининг танланмалари учун яқин қийматлар нуклеотид хилма-хиллик учун ҳам – мос равишида  $0.0297+/-0.0147$  ва  $0.0285+/-0.0143$  олинган. Бу маълумот-

лар тадқиқ қилинаётган давр давомида она томондан наслга ўтиш хилма-хиллигининг деярли юқори даражаси сақланишидан дарак беради. Популяция генетик ўзгарувчанлигининг янада тўлиқ кўриниши ядрорий ДНК микросателлит локуслари деталлаб таҳлил қилингандан сўнг олинади. Иш РФФИ №17-04-01351 гранти билан қўллаб-куватланган.



Ёш тадқиқотчи Надежда Кашинина иш устида. П.А.Сорокин сурати

### Янги нашрлар

**Мерил Тенг, Дженні А. Гликман және Э. Дж. Милнер-Гулланд  
Сингапурда сайгоқ шохлари истеъмолини ўрганиш. Огух, 2018: 1-8**

Ареал мамлакатларида тақорланаётган эпизоотиялар ҳамда анъанавий хитой тиббиётида қўлланадиган шохларга ортиб бораётган талаб сабабли йўқ бўлиш чегарасида бўлган сайгоқ (*Saiga tatarica*) келажаги деярли ноаниқ. Сингапур сайгоқ шохлари савдосининг жаҳон марказларидан бири, шунингдек бу шаҳар давлатнинг кўпгина бозорларида харид қилиниши мумкин бўлган шу турдаги маҳсулотнинг асосий истеъмолчиларидан бири ҳисобланади. Бунда, улар туфайли шохларга ички талаб шунчалик юқори даражада сақланиб қолаётган харидорлар тўғрисида маълумот деярли кам. Қандайдир чоралар кўришдан аввал, ушбу маҳсулот истеъмолчилари ҳақида кўпроқ билиш ва уларнинг баҳоналарини тушуниш зарур. Биз талаб географиясини ўрганиб чиқдик, демографик тавсифларни таҳлил қилдик ва харидорларнинг билим даражалари ва баҳоналарини аниқладик. Ўрганиш обьектлари сифатида биз келиб чиқиши хитойлик бўлган 230та Сингапурликни танлаб, уларни савол-жавоб қилдик ва анкета тўлдиришни илтимос қилдик. Охирги 12 ойда сайгоқ шохларидан тайёрланган маҳсулот харид қилганлар улуши деярли баланд бўлиб чиқди – 13%. Бошқалардан кўпроқ шохларни ёш – 18-35 ёшдаги (25%) респондентлар харид қилиб, буни кўп ҳолларда оиланинг катта аъзолари ёки дўстлар маслаҳатига кўра

бажарган. Кўрсатилган даврда таркибида сайгоқ шохлари бўлган бутилкали совуқ сув (50%) энг машҳур маҳсулот бўлган, ундан кейин – қипик (31%) ёки таблетка (13%) кўринишидаги шохларнинг ўзи. Турни асраш муаммолари ёки мавжуд қонун ҳужжатлари ҳақидаги хабардорлик даражаси барча жойда паст бўлган. Эҳтимол, хабардорликни ошириш Сингапурда ушбу маҳсулотга бўлган талабни камайтириши мумкинdir. Бироқ, ўтказилган ўрганишларнинг экспериментал тусини эътиборга олиб, бу маълумотлардан сайгоқ шохларининг кам ўрганилган, бироқ муҳим истеъмолчилар гурухи – келиб чиқиши хитойдан бўлган сингапурликларнинг ушбу масалага муносабатини ўзгартириш мақсадида кейинги ўрганишлар учун фойдаланган яхши. Мақоланинг тўлиқ версиясини <https://www.cambridge.org/core/journals/oryx/article/exploring-saiga-horn-consumption-in-singapore/7BB3E9739F1422D661DCDF36A9DC770A>



Сингапурда сотиб олиш мумкин бўлган сайгоқ шохларидан тайёрланган маҳсулотлар: (а) бутун шохлар, (б) қипик, (с) таблеткалар, (д) совуқ сув ва (е) таркибида сайгоқ шохлари бўлмаган супермаркетдан совуқ сув.

## Янги нашрлар (давоми)

**Каримова Т.Ю., Лущекина А.А., Рожнов В.В. Сайфоқлар тутқунликда: боқиш ва кўпайтиришдан табиатга чиқаришгача. М.: КМК Илмий нашрлар шериклиги, 2017. 122 б.**

**Валерий Неронов ва Марина Холодова обзори, РФА А.Н. Северцов ном. Экология ва эволюция муаммолари институти, [rusmabcom@gmail.com](mailto:rusmabcom@gmail.com)**

«Сайфоқлар тутқунликда: боқиш ва кўпайтиришдан табиатга чиқаришгача» - Россия фанлар академиясининг А.Н. Северцов ном. Экология ва эволюция муаммолари институти ходимлари томонидан тайёрланган обзор шундай номланади, унинг чиқиши 2017 й. август охирида Институтда Сайфоқни асрash мақсадида уни тутқунликда кўпайтириш бўйича халқаро семинар ўтказилишига тўғриланган. Обзор қўйида тўлиқ, қўшимча изоҳларсиз келтирилган: «*Борис Иванович Петрищев хотирасига ҳамда сайфоқни асрash ва табиатга қайтариш каби олижаноб ишда иштирок этган барча ҳамкасларга бағишлиданади*» сўзлари билан бошланган.

Энг муҳим биологик ресурсларнинг ҳолати ва экотизим функцияларининг аҳамиятли даражада бузилиши бутун дунёни жиддий ташвишга солишни давом этмоқда, ва қўшимча чоралар кўрмасдан, биохилма-хилликни сақлаш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш масалаларини ечиб бўлмайди. Ноёб турларни асрash ва қайта тиклаш жаҳон амалиётида айнан ёввойи ҳайвонларни, уларни кейинчалик чиқариб юбориш ва табиатда турғун яшовчан популяциялар яратиш учун кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Сунъий яратилган шароитда ҳайвонларни кўпайтириш – турнинг омон қолиши бўйича МСОП Комиссиясига (SSC/IUCN) кирадиган, вольверда кўпайтириш бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан таклиф қилинган стратегик ечимлардан биридир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маълум чеклашларга қарамасдан, биохилма-хилликни сақлашга ушбу ёндашув йўқ бўлиш чегарасига тушиб қолган ҳайвон турларининг кўлига нисбатан қўлланиши мумкин. Масалан, Иордания ва Оманда, АҚШ ва Фарбий Европанинг наслчилик марказларидан табиатга муваффақиятли реинтродукция қилинган Арабистон орксини қайта тиклашда ижобий натижалар олинган. Зубр ва Давид буғусини асрash ва қайта тиклаш дастурлари тутқунликда кўпайтириш орқали

турни қутқаришнинг энг машхур мисолларидан бири бўлади. Совет Иттифоқи бўлган вақтларда орттирилган ҳайвонларнинг ноёб турларини асрash ва қайта тиклаш бўйича тажриба ҳозирги пайтда Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларида яхши натижалар билан қўлланмоқда. Бу Бухоро буғуси ва қулоннинг жойлаштирилиши ҳам, жайрон ва мархур, қулон, Пржевальский оти, шунингдек йирик йиртқич сут эмизувчилар – қўнғир айик, Амур йўлбарси ва Узоқ шарқ қоплони яшайдиган питомникларнинг яратилиши. Муаллифлар кўп йиллик тажриба А.Г. Банников ва Б.Е. Флинт (Банников, Флинт, 1982), В.Е. Флинт (Флинт, 2000), О.Б. Переладова (Переладова, 2005), Н.В. Мармазинская (Мармазинская, 2012), В.С. Пажетнов (Пажетнов ва бошқ., 1996, 1999), В.В. Рожнов (Рожнов, 2015) ишларида умумлаштириб, тизимлаштирилганлигини алоҳида таъкидлашади.

Бунда, афсуски, кун сайин кўпаяётган сайфоқ ареалининг турли қисмларида браконьеरлик, яшаш жойининг бузилиши, эпизоотиялар сабабли сайфоқ популяциясининг критик ҳолати ҳақидаги хабарларда бу ажойиб ҳайвон популяциясининг ҳолати ёмонлашиши мумкинлигини прогноз қилишга тўғри келяпти. Шу сабабли турни асрash учун сунъий яратилган яшаш шароитида, яъни тутқунликда кўпайтириш дастуридан янада кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулоса чиқаришга тўғри келяпти. Бунда ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш технологиясини билиш уларнинг генофондини асрash гарови ҳисобланади, чунки кам учрайдиган ва оддий тур ўртасидаги чегара турғун эмас, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиат экотизимларидағи силжишлар эса чукур ва жуда қисқа муддатларда содир бўлади.

Бу жиҳатдан ушбу обзор жиддий қизиқиш уйғотади, чунки унда сайфоқни турли шароитларда (ҳайвонот боғлари; шароитлари ярим эркин шароитга яқинлаштирилган марказлар; кичик питомниклар) кўпайтириш ва боқиш

### Янги нашрлар (давоми)

тариҳи бўйича деярли барча мавжуд адабий манбалар (фақат цитаталар келтирилган ада-биёт рўйхати 200дан ортиқ номга эга) таҳлил қилинган ва умумлаштирилган. Ишда шунингдек сайғоқнинг барча бешта популяциясининг ҳозирги ҳолати тўғрисида жуда муҳим ахборот мавжуд.

Сайғоқларни ҳайвонот боғларида боқиш тариҳи 1864 й., Москва ҳайвонот боғининг экспозициясида бу тур пайдо бўлган вақтдан бошланади. Муаллифлар ҳайвонларни сақлаш ютуқлари ва муаммолари қисқача таърифланган, шунингдек илова сифатида келтирилган ва қачондир сайғоқлар боқилган барча 92та ҳайвонот боғи ва боғлар ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган маълумотлар базасини тузган. 1949 дан 2016 гача йи. даврида дунё ҳайвонот боғларида «International Zoo Yearbook»да чоп этилган маълумотлар асосида ўтказилган, сайғоқлар сони динамикасининг таҳлили катта қизиқишига эга. Ҳозирги пайтда, барча сайғоқларни боқиш ҳаракатлари ва кўп йиллик уринишларга қарамасдан, дунёning фақат битта ҳайвонот боғида – Олмаотада бу ноёб тур сақланади.

Алоҳида бўлимда хорижий мамлакатлар (Россия, Украина, Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, Мўғалистон) ҳудудида сайғоқни кўпайтириш ва боқиш шароитлари батафсил кўриб чиқилади. Кўплаб суратлар ҳайвонлар сақланадиган шароитларни тасаввур қилишга имкон беради. Муаллифлар ҳайвонларни боқиш, кўпайтириш, транспортда ташиш усулиятлари яхши ишлаб чиқилган, ва, асосийси – етарлича ва барқарор молиялаштириш бўлган бир қатор шартларга амал қилинган ҳолда, питомникларда сайғоқларни кўпайтириш келажакда натижа беради деган хуносага келдилар. Бунда майдони бўйича

жуда катта ва конструкциясига кўра хавфсиз вольверлар қуриш учун табиий шароитлари тўғри келадиган ҳудудларни танлаш, манфатдор бўлган ва тегишли тайёргарлиги бўлган мутахассислар, шунингдек аниқ ёзилган қонунлаштирувчи база мавжудлиги ҳам ўта муҳимлиги таъкидлаб ўтилади.

Ушбу турни кейинчалик табиатга чиқариб юбориш истиқболи билан тутқунликда кўпайтиришга муаллифлар турли табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг зарур компонентларидан бири деб қарашади. Вольер шароитларида катта қилинган ҳайвонларни табиатга қайташ жараёни, бу ноёб ҳайвон турларининг йўқ бўлганларини қайта тикилаш, йўқ бўлаётганларини асраш ва янги популяцияларини яратишга қаратилган жараён. Реинтродукция бўйича тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши учун сайғоқларни питомнидан табиатга чиқариш куйикиш бошланishiдан бир неча ой олдин амалга оширилиб, ундан олдин ҳайвонлар яшайдиган жойлар яқинида ёки бевосита чегарасида жойлашган, ўралган ва майдони етарлича бўлган ҳудудда улар (бир-икки ой давомида) кўнизиши керак. Бундан ташқари, агар жойларда натижа берадиган кўриқлаш ишлари ташкил қилинмаса, питомникларда катта қилинган ҳайвонларни табиатга чиқариш орқали табиий сайғоқ популяцияларини тўлдиришга барча уринишлар муваффақиятсиз бўлиши таъкидланмоқда.

Шунингдек муаллифлар томонидан кела-жакда, 1960 й. собиқ Родезияда (ҳозирги Зимбабве) чорвачиликнинг бошқа тури сифатида ёввойи туёқлиларни кўпайтириш учун ранчодан бошланган, эркин ва ярим эркин овланадиган турларни кўпайтириш (сайғоқقا нисбатан) мумкинлиги тўғрисидаги масала



«Аскания Нова» биосфера кўриқхонасидаги сайғоқлар подаси, Украина. Виктор Гавриленко сурати

## Янги нашрлар (давоми)

кўриб чиқилмоқда. Бундай хўжалик юритиш афзалликлари ёввойи ҳайвонларнинг табиий муҳитга яхшироқ кўнишидан, сувга эҳтиёж камроқлигидан, озуқа танлашдаги ҳаракатчанлик, ўсимлик турларининг кенг тўплами ишлатилишидан ва ҳ.к. иборат. Сайғоқлар қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари олдида, масалан Черние земли яйловларида, эколог-иқтисодий устунликларга эга бўлиб, арид зонанинг чегараланган ўтлоқ ресурсларидан фойдаланишда уй ҳайвонларини тўлдириши, баъзида эса тўлиқ ўрнини босиши мумкин. Кўриқланадиган табиат худудлари билан бир қаторда, ёввойи ҳайвонлар ранчоси генофондни асраш масалаларининг ечимига жиддий хисса қўшиши ва табиий популяцияни асраш усуулларининг бири сифатида кўрилиши мумкин.

Ареал мамлакатларида сайғоқни асраш учун кўрилаётган чораларни таърифлаган ҳолда, муаллифлар юзага келаётган муаммоларни

кўрсатиб ўтмоқдалар. Қозогистон ҳудудида 2010 ва 2015 й. ва Мўғулистонда 2017 й. сайғоқлар билан рўй берган фожиалар ҳайвонларнинг касалликдан ялпи ўлими, олдинги бир неча йиллар давомида кузатилган популяциялар сонининг аҳамиятли даражада ошишини деярли йўқقا чиқаргани, бу тур қанчалик заифлигини яққол кўрсатади. Бу фожиавий ҳодисаларга қаршилик кўрсатиш учун барча популяциялар етарлича катта ва барқарор бўлиши кераклигини тушуниш муҳимлигини биринчи ўринга чиқаради. Ва бу ерда ҳайвонларни тутқунлик шароитларида кўпайтириш ва боқиш ишлари муҳим рол ўйнаши мумкин.

Рус тилидаги нашрнинг тўлиқ матнини [http://saiga-conservation.org/wp-content/uploads/2017/03/saiga-in-captivity\\_2017.pdf](http://saiga-conservation.org/wp-content/uploads/2017/03/saiga-in-captivity_2017.pdf) да топиш мумкин.



Сайғоқлар Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида. Надежда Пюрвенова сурати

### Сайфоқни асраш – ҳаётларининг иши

**Бугун биз узоқ вақт давомида Ўзбекистондаги Сайфоқни асраш бўйича альянс билан ҳамкорлик қиласидиган, «Экомактаб» экологик жамота ташкилотининг директори – Наталья Шивалдовадан интервью оляпмиз.**



Наталья Сан-Диегода амалий машғулотлар вақтида

**Муҳбир:** Сайфоқка нисбатан Сизда қачон илк қизиқиш уйғонган?

**Н.Ш.:** Мен сайфоқларни асраш мавзусига 2012 йилда қизиқа бошладим. Унгача сайфоқлар бундай хавф остидалиги, ва биз уларни бутунлай йўқотиш хавфи олдида турганимиз ҳақида ўйламаганман.

**Муҳбир:** Сайфоқни ўрганиш ва асраш бўйича ишларни қачон бошлагансиз?

**Н.Ш.:** Ҳамкасларим, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Зоология институтидаги олимлар ва экологлар, Сайфоқни асраш бўйича альянс ходимлари мактаб ўқитувчилари учун интерактив дарслик ва ўқитувчилар учун услубий қўлланма ишлаб чиқишида қатнашишни таклиф қилишди. Бизда мактаблар негизида болалар учун экологик клублар ташкил этиш фикри уйғонди. Болалар сайфоқни яхши кўриши ва уни яхшироқ билиши учун уларни сайфоқ билан таништириш, шунингдек, улар жойлардаги ишончли ёрдамчи ва ҳамкор бўлиши учун бу ноёб турни ҳимоялаш мавзуси билан қизиқтириш муҳим эди. Бу ўқув-ёритиш ресурсларини тайёрлаб, чоп этиш учун менда сайфоқ билан боғлиқ ҳаммасини: унинг биологиясини, яшаш мұхитини чуқурроқ ўрганиш, шунингдек браңонъерлик ва шохларни ноқонуний савдоси туфайли унинг йўқ қилиниш муаммосини тушуниш зарурати юзага келди. Дарслик ишлаб чиқилди ва қорақалпоқ тилига таржима

қилинди. Бу тилда Қорақалпоғистон – устюрт сайфоқ популяцияси яшайдиган жойларнинг аҳолиси сўзлашади. Дастрлабки мақсадга эришдик: биз ҳаяжон билан ва тушунарли қилиб муаммо ҳақида сўзлаб бера олдик, болаларга сайфоқ ҳақида дастрлаб билимлар асосини бера олдик, ўқитувчиларга эса қизиқарли машғулотларни ташкиллаштириш бўйича услубий ёрдам кўрсата олдик.

**Муҳбир:** Сизнинг оддий кунингиз нималардан иборат?

**Н.Ш.:** Оддий кун маъмурийдан журналистик фаолиятгача турли фаолиятга тўла. Кўп саёҳат қиласман, ёзаман, одамлар билан учрашаман. Шунингдек кўпинча, иштирокчилари турли тоифадаги тингловчилар: ўқитувчилар, муаллимлар, хизматчи ва амалдорлар, журналист ва ишбилармонлар бўлган семинарлар, тренинглар тайёрлаш ва ўтказиш билан шуғулланаман. Болалар учун тез-тез турли танловлар, қизиқарли дарслар, лекциялар, экспкурся ва экологик экспедициялар ташкил қиласман ва ўтказаман. Баъзида, бир неча кун компьютерда ўтиришим мумкин, ёзаман, ишлаб чиқаман, ўқийман ва билим оламан. Яна бир фаолият соҳаси бор: Экомактаб жамоаси, маҳаллий жамиятларни жалб қилган ҳолда, тоғли жойларда дараҳт экиш ва ўрмонларни тикилаш билан шуғулланади. Инсон айби билан бузилган тоф экотизимларини тикилашга уриняпмиз.

**Муҳбир:** Бизга сайфоқ ҳақида биронта қизик воқеа айтиб бера оласизми?

**Н.Ш.:** Сайфоқ яшайдиган жойда иқлим кескин континентал. Орол денгизи қуригандан сўнг у янада оғирлашди. Суткалик ҳарорат ўзгаришлари, кучли шамоллар бўлади. Обҳавони олдиндан билиб бўлмайди. Устюртнинг узоқда жойлашган посёлкалардаги катта ёшли аҳолининг ҳикояларига кўра бир йили қиши жуда совук бўлган. Хўл қор ёғиб, кетидан қаттиқ совук бўлган ва қорни хеч нарса ўтказмайдиган қалин қобиқ қоплаган. Сайфоқлар қахратон совуқларда озуқасиз қолган, юришга қийналган ва одамлар олдига ёрдам сўраб келган. Уй ҳайвонлари турган ҳовлиларга кирган. Ва одамлар

## Сайғоқни асраш – ҳаётларининг иши (давоми)



Эко-лагерь 2016. Ольга Есипова сурати

сайғоқни қабул қилғанлар, уларга ачиниб, озиқлантирганлар, бундай вазиятда уларни тушуниб, яхши муносабатда бўлғанлар. Сайғоқлар уй ҳайвонлари билан бирга совуқлардан яхши ўтиб олган ва чўл “очи-лиши” биланок бешикаст озодликка чиқиб кетган. Бу таъсирили воқеа, ҳуркак ва жуда эҳтиёткор сайғоқлар, шунга қарамай одамга келганини, унга ишонганини тасдиқлади. Маҳаллий аҳоли бу воқеани эслаб, сайғоқларнинг бундай қарор қабул қилишга қодирлигига ҳайрон қолишиди.

**Мұхбір:** Ишингиздаги асосий муаммолар қандай?

**Н.Ш.:** Халақит берадиган ва иш фаолиятини жуда қийинлаштирадиган муаммолар – бу барча даражадаги одамларнинг, маҳаллий аҳолидан бошлаб, қарор қабул қиладиган амалдорларгача, хабардорлиги жуда паст. Афсуски, экология ва атроф мұхит мұхофазаси мавзусига күпчилик: энг аввало иқтисодиёт ва ҳозирги фойда деган қолдик принцип бўйича қарайди. Сифатли адабиёт ва ахборот етишмайди. Браконьерликка қарши самарали курашиб учун инсон ресурслари етишмайди. Одамлар, ҳайвонлар каби, яхшироқ маош ва қулайроқ яшаш шароитларини қидириб кўчиб юради. Бундай ротация жойлардаги ишни мураккаблаштиради.

**Мұхбір:** Ишингиздаги тўсиқларни қандай бартараф этиш мумкин?

**Н.Ш.:** Барча даражаларда хабардорликни ошириш бўйича фаолроқ ишлаш зарур. Сафдош ва шериклар доирасини кенгайтириб, Божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Маҳаллий ҳокимият идоралари каби куч тузилмаларини жалб қилиш зарур. Маҳаллий

бизнесни табиатни мұхофаза қилиш фаолиятига қўшиш жуда мұхим.

**Мұхбір:** Ишингиздаги энг яхши нарса нима?

**Н.Ш.:** Ўз меҳнатингизнинг меваларини: сайғоқ ҳақида меҳр ва мұхаббат билан сўзлаганда ёки уларни чизганда болаларнинг ёниб турган кўзларини кўриш. Аҳолининг қизиқиши, сайғоқни асраш бўйича улар томондан намоён этилган фаоллик ёки ташаббустар. Барчамизни битта орзу бирлаштиради – сайғоқ подаларини Қорақалпоғистон чўлларига қайтариш.

**Мұхбір:** Сайғоқни асраш бўйича истиқболлар қандай? Бу турнинг омон қолишига ёрдам бериш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?

**Н.Ш.:** Қонун чиқариш жараёнини фаоллаштириш ҳамда реликт антилопаси ва бутун чўллар экотизимиға етказилаётган зарар учун жавобгарлик даражасини оширган ҳолда маъмурий кодексни кучайтириш мұхим. Сайғоқ шохлари сотилиши тўғрисидаги эълонлар тарқалишининг олдини олиш ва шохларнинг ноқонуний сотилишига қарши курашиб мұхим.

**Мұхбір:** Ноёб ҳайвон турларини ўрганиш ва асраш соҳасида бир неча ўн йилликдан бўён ишлайсиз. Шу йиллар давомида нималар ўзгарди, бу соҳада қандай тенденциялар кузатилмоқда?

**Н.Ш.:** Ушбу муаммо ҳақида ортиқ гапирмай бўлмайди. Ноёб ҳайвон турларини асраш учун қайғураётган ва қўлдан келганча



Академия иштирокчилари ўтмишдаги Орол дәнгизи тубида. Александр Есипов сурати

**Сайфоқни асраш – ҳаётларининг иши (давоми)**

хисса қүшишни орзу қилаётган инсонлар тобора күпаймоқда. Ижтимоий тармоқлар ҳаракатларни бирлаштиришга яхши ёрдам беряпти. Бироқ барибир на инсон, на техник ресурслар ҳали ҳам етарли әмас. Биз маҳаллий поселкаларда овчиларнинг дунёқарашини тўлиқ ўзгартира олмадик, бунинг устига у ерда кўплаб ижтимоий муаммолар мавжуд. Болалар – бизнинг умидимиз ва таянчимиз, улар жуда таъсирчан ва ўзгарувчан. Улар ўз ота-оналарига яхши таъсир кўрсатишга муваффақ бўлмоқдалар. Ультиматив шаклда сайфоқ гўштини истеъмол қилишдан воз ке-чиши мумкин. Яқиндагина эса, кўп ўқувчилар

сайғоқ тасвири туширилган расмни күрсатиб, “Бу нима?” деган оддий саволимизга жавоб берса олмасдилар. Уларда чумолихўр, фил, оҳу ва бошқа турли тахминлар бор эди. Бугун сайғоқ яқинроқ ва тушунарлироқ бўлиб қолди. Ва бугунги мактаб ўқувчиларимиздан ҳеч бири браконъерлар сафини тўлдирмаслигига ишонамиз. Катталарнинг сайғоқ мавзусига фикрини ва муносабатини ўзгартириш қийинрок.

## Миннатдорчиликлар

Биз Сайғоқни асраш бүйича альянс ишларини құллаб-құвватлаш учун үз пулларини хайр-эхсон қылған ва вақтими сарфлаган барча инсонларга чуқур миннэтдорчилік билдирамиз. Бусон нашр қилинишини құллаб-құвватлаган Күчіб юрувчи турлар бүйича конвенция номига алохida миннэтдорчилік билдирамиз.



**Saiga Conservation Alliance**  
[www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com)

**Saiga Resource Centre:**  
[www.saigaresourcecentre.com](http://www.saigaresourcecentre.com)

**Email:** [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)

©Saiga Conservation Alliance 2018 /  
Registered charity England and Wales

© Andrey Gilyov  
& Karina Kareina

